

САМАД ВУРҒУН

---

ЮРАҚДАГИ  
ШЕЪР

*(Шеърлар ва драматик дoston)*

*Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент—1978*

С  
В 95

Озарбайжон тилидан  
Раззоқ Абдурашидов  
таржимаси

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.  
(тарж.)

## САМАД ВУРҒУН ҲАҚИДА СЎЗ

Самад Вурғун асримизнинг нафосат осмонида ёрқин чарақлаб турган порлоқ бир юлдуз эдики, ўз маслакдошларига қанча ўхшамасин, уни бошқалардан ажрататурган хусусият, ўзига хос фазилат ҳам бор эди. Бу ҳолат уни мустасно бир юксакликка кўтарган эди. Гўё у кўп асрлик озарбайжон шеърининг барча фазилатларини ўзида жамлаб олган бир девон эди.

Дарҳақиқат, унинг байтларида Низомийнинг эпик салобати, Фузудийнинг поэтик ҳиссиёти, Ҳақонийнинг тантанавор жўшқинлиги, Воқифнинг содда ва ростгўйлиги камалакнинг фусункор рангларидек товланиб турар эди.

Бунинг устига, яна тўғриси айтганда, буларнинг замирида халқ поэзиясининг раvon, хушбўй ва лазиз чашмалари сира тинмасдан, муфассал қайнаб ётар эди. Вурғун озарий халқ поэзиясини жуда севар ва озарийлар ошнқ деб атаган халқ бахшиларининг ижодиётини мукамал билар эди.

Кейинчалик у мутолаа орқали ва айниқса 20-йилларнинг охирларида Москвада, университетда ўқиган маҳалларида рус поэзиясини ҳам ўрганиб олиб, Пушкиннинг раvshan шеърларидан, Лермонтовнинг эҳтиросли дostonларидан, Маяковскийнинг исёнкор жасоратли хитобларидан илҳомланиб, ўз шеър қўрхонасини янада бойитди.

Самад Вурғун шоир, публицист, драматург, таржимон, олим ва давлат арбоби сифатида ўттиз йилдан зиёда совет Ватанига, жонажон Коммунистик партияга, халққа, башариятга буюк ифтихор билан хизмат қилган санъаткор эди. Унинг «Шоирнинг онти», «Комсомол поэмаси», «Басти», «Толистон» каби шеърй тўпламлари ва дostonлари ҳали урушдан аввал халққа маълум ва маъқул бўлиб кетган асарлар эди. Вурғуннинг «Воқиф», «Хонлар», «Фарҳод ва Шири» каби драматик асарлари узоқ йиллар давомида Озарбайжон саҳнасининг зийнати бўлиб келди.

Улуғ Ватан уруши йилларида шоир ўз қаламини совет халқининг муқаддас кураши хизматига, ғалабамиз азмига, Ватан шаънига бағишлаб, «Она сўзи», «Шафқат ҳамшираси», «Ватан ҳимоясида», «Украина партизанларига» сингари жўшқин шеърлар яратдики, буларда қаҳрамонлик эҳтироси романтик жўшқинлик ва самимий лирик кечинмалар билан омихта бўлиб, зўр оригиналликка эга бўлди. Шоир урушдан сўнг ёзган гоят етук асарлари — дoston ва шеърй тўпламларида замонамиз қаҳрамонларининг яққол суратларини яратди ва тараннум этди.

Вурғуннинг сўнгги йирик асари «Асримиз сапрокдор» дostonиде шоир улуғ партиямизни ва унинг устози В. И. Ленинди ҳаёлийиб ва сўнмас мисраларда олқишлади, улуғ асар Самад Вурғун Пушкиннинг «Евгений Онегин», Ш. Руставеллийни «Пулбар» терисини ёширган паҳлавон» дostonларини, Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»,

Горькийнинг «Қиз ва ўлим» асарларини таржима қилиб, жаҳон адабиётининг бу дурдоналарини озарий адабиётнинг олтин фондига қўшмоққа муваффақ бўлди.

Озарбайжон халқи ўзининг бу буюк фарзандини юксак қадрлаб, унга чуқур ишонч билдирди ва уни СССР Олий Советига тўрт марта депутат қилиб сайлади. У Озарбайжоннинг «Халқ шоири», «Хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонларига мушарраф бўлган эди. Икки марта СССР Давлат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлганлиги ҳам шоир ижодининг партия ва давлат томонидан нақадар юксак баҳоланганига бир далилдир.

Вурғуннинг илмий-ижтимоий ишлари унинг Озарбайжон академиясининг вице-президенти сифатида ишлаган даврида айниқса равнақ топади.

1956 йил май ойида дунёга, абадий видо, деб кўз юмган Самад Вурғун икки мартага яшамоқ имтиёзига эга бўлган буюк шоирлардан бири эди. Унинг жисмоний вафоти шоирнинг руҳий ва маънавий умрини кесиб ташлай олмади.

Советлар замонида ва Озарбайжон замида пишиб етилган, адабиётимизнинг унутилмас сиймоларидан бири Самад Вурғун эди.

У ҳақиқатан туғаси шоир бўлиш билан бирга, иқболига буюк шоир бўласан, деб ёзилган бутун бир ижодкор эди. Буюк қалб ва тирафикр бирикишининг рамзи бўлган Самад ўзбек халқининг дўсти, буюк Алишер Навоийнинг таъзимкор мухлиси эди.

Самад Вурғун илк ёшлигиданоқ бир қизни қаттиқ севиб қолиб, ўзига «Вурғун» сўзини тахаллус қилиб олган эди. «Вурғун» сўзи озарбайжонча бировга қаттиқ меҳр қўйган ошиқ ёки мафтун демакдир. Бироқ шоирдаги вурғунлик, ошиқлик ўзи айтгандек, бора-бора халққа, Ватанга, коммунизм идеалларига бўлган муҳаббат, садоқатнинг ифодаси бўлиб қолди. Шундай қилиб, ошиқ Самад жаҳон эстетикасининг, башар саодатининг ошиғига айланди.

Самад Вурғун инсоният ошиғи ва бахт мухлиси сифатида кўп миллатли совет адабиёти тарихидан ўзига мангу ўрин олган қўшиқчилардан биридир.

*Мақсуд Шайхзода*



## ШЕЪРЛАР



\* \*  
\*

**Мен суҳбат очмайин юз йил наридан,  
Ва лекин бугундан узоқ юрмайман.  
Буюк коммунизм ол саҳарига  
Оддий бир хотира бўлиб кирмайман.  
Шоирнинг умрини халқ узайтиргай,  
У буюк кунларни ёзмай ва кўрмай  
Юз йил яшасам-да, лекин ўлмайман.**

## ОЗАРБАЙЖОН

Кўп ошганман бу тоғлардан,  
Турна кўзли булоқлардан,  
Тинглаганман узоқлардан  
Сокин Ораз — ишвакорни,  
Синаганман дўсту ёрни.

Эл билади: сен манимсан,  
Юртим, уйим, масканимсан,  
Демак, туғма Ватанимсан,  
Айриларми кўнгилу жон,  
Озарбайжон, Озарбайжон.

Мен — гўдакман, сенсан она,  
Сенга боғлиқ борим яна,  
Қайси диёр, қайси ёна  
Учса ҳамки ўйим сенсан,  
Юртим, куним, уйим сенсан!

Фақат кетсам сендан йироқ,  
Бошга тушур аччиқ фироқ,  
Ҳасратингда соч бўлур оқ...  
Бўғар ойлар, йиллар мени,  
Койимасин эллар мени!

Тоғларингнинг боши қордир,  
Оқ булутлар — кўрк, виқордир,



Буюк бир ўтмишинг бордир,  
Саноқ етмас ёшинг сенинг,  
Нелар кўрмиш бошинг сенинг!

Тушдинг бадбахт асрларга,  
Оғир-оғир фаслларга...  
Насллардан наслларга  
Утган бир шуҳратинг бордир,  
Ўғлинг, қизинг бахтиёрдир.

Тикилганда қир, бўзларга  
Сернур, завқли кундузларга,  
Қора холли оқ юзларга  
Кўнгил шеърни истар тоза,  
Ёшараман ёза-ёза...

Бир ёнингда баҳри Хазар,  
Яшил бош суқсурлар сузар.  
Хаёл қургур елдек кезар  
Гоҳ Элдорни, Муғонни гоҳ,  
Умр чекли, манзил узоқ!..

Туташ тоғлар, зап даралар,  
Дил боғловчи манзаралар.  
Жайрон қочар, улоқ маърар —  
Кўпдир яйлов, боғинг сенинг,  
Бийдай қир, ўтлоғинг сенинг.

Ўтгил тоғдан, боғ-бўстондан,  
Астарадан, Ланкарондан;  
Африкадан, Ҳиндистондан  
Бизга меҳмон бўлар қушлар,  
Ғамдан озод тунар қушлар!..

Бу ерларда пишса лимон  
Майишади шоҳлар ҳар ён.

Тоғлар қорли боқма қачон,  
Хабарчидир гўё қишдан...  
Метин-қўрғон яралишдан.

Ланкароннинг гули хол-хол,  
Юртимнинг қизлари мисол.  
Чойни қуйгил, соҳибжамол,  
Ётларга очмас дилини,  
Онамнинг суқсур келини!

Бошоқ тугар — эртанги нон,  
Пахтамиздир хирмон-хирмон,  
Узум шира йиғиб чандон...  
Интиқ инсон йўлларига,  
Куч бўлай деб қўлларига!

Қозоқдан мин бедов отга,  
У етказмас ҳатто бодга,  
Чопсин қора терга бота...  
Довонларнинг белига қалқ,  
Кавказ тоғдан Кўккўлга боқ.

Эй озод кун, озод инсон,  
Баҳордан ич, баҳорга қон.  
Палосларни ёзгил чаққон  
Кекса чинор кўлкасига,  
Олқиш қуёш ўлкасига!

Кўнгил кезар Қорабоғдан,  
Гоҳ бу тоғдан, гоҳ у тоғдан.  
Оқшом палла, эҳ, узоқдан  
Ҳаволансин Хоннинг<sup>1</sup> саси —  
Қорабоғнинг шикастаси.

---

<sup>1</sup> Хон Шушинский — халқ хонандаси.

Азиз Ватан, маънинг теран,  
Гўзалларнинг бешигисан.  
Бахши куйлар фахр билан:  
Сен қуёшнинг қучоғисан,  
Шеър у санъат ўчоғисан.

Ўлмас кўнгли, ўлмас асар,—  
Низомийлар, Фузулийлар!  
Қўлинг қалам, кўксинг дафтар,  
Айтгил, қолсин нимангки бор,  
Айтилган сўз бўлур ёдгор!

Энди бизнинг Бокуга боқ,  
Соҳилида минг бир чироқ.  
Бурғулари ҳайқирароқ,  
Шовқин солур бўз чўлларга,  
Нур улашур тоғ, қирларга.

Нозли шамол эсар бирдек,  
Соҳилларда кериб кўкрак.  
Бизнинг Боку — бизнинг юрак!  
Нур, ёғдуда — қудрат сўзи,  
Саҳарларнинг Ҳулкар кўзи.

Бир замонлар, гўзал Ватан,  
Ол байроқли бир саҳардан  
Илҳом олдинг... туғилдим ман.  
Кулар тупроқ, кулар инсон,  
Кекса Шарқнинг қопқасисан!

Азиз Ватан — ёруғ юзим  
Тингла маним юрак сўзим.  
Қардошликда бахт юлдузинг!  
Гуллай бергил дориламон  
Озарбайжон, Озарбайжон.

## **БИЗНИНГ ЁШЛИК**

**Бизнинг ёшлик улғайтирди шер юракли ўғлонларни,  
Бу ёшликнинг кўзларида бордир баҳор армонлари.  
Дилда ташвиш, кўнгил дейди, тугамади, не гап шоир,  
Комсомолнинг жасоратин тасвирлаган дostonларинг?!**

**Бу ёшликнинг иқболидан очмиш ҳатто ой қовоғин,  
Бу ёшликнинг қўли билан бунёд бўлди санъат боғи.  
Бахтиёрдир бу эл ўғли, бахтиёрдир бу эл қизи,  
Бу ёшликнинг сийнасига бегонадир ҳижрон доғи.**

**Салом сизга ишқи эркин, қалби озод шунқорларим,  
Муҳаббатдир ажиб дунё, чертгай нозик дил торларин.  
Севинг, ўйнанг, бахтли бўлинг, тилагим шу сизга, дўстлар,  
Мен ҳам ёзай дафтаримга ишққа содиқ дилдорларни.**

**Мен қалбимда, илҳомимда ардоқлайман бугун сизни,  
Ёддан ўқинг шеъримизни, тоза тутинг тилимизни.  
Бизнинг ёшлик олиб чиқар юлдузларнинг маконига  
Воқифларга илҳом берган шеър, санъатли элимизни.**

**Кеча-кундуз ўтарканман бу ёшликнинг гул боғидан,  
Минг бир илҳом олар кўнглим булбулларнинг сайроғидан.  
Салом сенга, озод юртим, салом сенга, эркин ёшлик,  
Қизил гуллар бўёқ олмиш қизларимиз ёноғидан.**

Энди маним бир сўзим бор қишлоғимиз қизларига,  
Сурув-сурув жайрон чиқар бизнинг Муғон тузларига.  
Табиатдир буюк рассом, у қўйибди сурмасини  
Турна кўзли гўзалларнинг қошларига, кўзларига.

Мен гўзаллик ошиғиман, унга қалбим, умрим — бари,  
Бизнинг қизлар на малакдир, на-да ҳурдир, на-да пари.  
Аммо улар безанганда, каклик каби сайрашганда  
Яна гўзал бўлиб кетар элнинг гўзал мажлислари.

Бизнинг эркин дунёмиз ҳам гўзалликлар дунёсидир,  
Ҳар кўнгилнинг саждагоҳи бир муҳаббат дарёсидир.  
Тошдек қотсин бу дунёда муҳаббатнинг қадрин билмас,  
Муҳаббат — бу тирикликнинг, садоқатнинг маъносидир.

Қизларимиз зеб берганда ёноқлари ёнар, қара,  
Қояларнинг қори янглиғ юзлар тиниқ, юзлар сара.  
Сен эй, шоир илҳомининг илк онаси, илк синглиси,  
Саҳар-саҳар сочларингни оқ ювгилу оппоқ тара!

Сен эй, инсон қудратининг илк бешиги — буюк она,  
Парвонадек атрофингда айланамиз ёна-ёна.  
Ҳеч тушмасин қўлларингдан бу китоблар, бу дафтарлар,  
Толемиз, тарбиямиз топширилар сенга яна...

Илм кучи йўллар очди қулфланган денгизларга,  
Ҳур давримиз зиё сочди зиё кўрмас гул юзларга.  
Тезда инсон илми билан сайр этади фазоларни,  
Юлдузларни гулдек териб олиб тушар сиз-бизларга.

Бу илмга тоза кўнгил эрур доим дўсту иноқ,  
Соф кўнгилли инсонлардан ҳеч тушмаган тарихга доғ.  
Бизнинг қўллар бунёд этар бу саодат дунёсини,  
Ёшлигимиз қизиқтирмас дабдабаю бисот мутлоқ.

Инсон асли содиқ яшар ўз каломи, ўз аҳдига,  
Локин ҳамон учраб қолар кўз тикувчи эл бахтига.  
Уларни халқ қулоғидан дов-дарахтга михлар шаксиз,  
Халқнинг мулки дахлсиздир кўчсак агар сўз нақдига.

Азиз тутиб, эъозлайлик чин дўстликнинг қадрини биз,  
Жон тикайлик бу дўстликка, қардошликка ҳар биримиз.  
Номус қилсин ўз кунидан маслакисизлар, қалби кўрлар,  
Боқий яшар бу Ватанда покдомону тоза тамиз.

. . . . .

Олақарға қўшилмасин булбулларнинг қўшиғига,  
Бизнинг ёшлик ярашадир жасоратлар ошиғига.  
Билиб қўйсин сафсатачи, гапда ишни бопловчилар,  
Ахир қандай инсон бўлди ярамаса эл ишига.

Омон бўлсин бу давронлар, дил яйратган янгроқ торлар,  
Булбуллари чақ-чақлаган нозли дилбар — гулбахорлар.  
Замон ўтар, ҳаёт яшнар, олим бўлгай гўдаклар ҳам,  
Тушиб қолгай йўлда бешак кўнгли қора, бағри торлар.

Карвонимиз олға юрар, йўли ойдин ҳам қуёшлик,  
Ўз ерида қотганларни кутмас тарих бутун бошлик.  
Ватан, севги, маслак, илҳом бизга мангу ҳамроҳ эрур,  
Омон бўлсин бизнинг ёшлик,  
Омон бўлсин бизнинг ёшлик.

## ТУРТ СЎЗ

Башар авлодининг осмон қадар  
Юлдуздек чақнаган бир лисони бор...  
Бу муҳташам китоб, муҳташам асар,  
Ҳар сўзда бир олам қилгай барқарор.

Қарангки, заминдан хаёл учирмиш,  
У менга кўкларда ошиён қурмиш.  
Атрофим қуршабди сонсиз юлдузлар,  
Бугун бу оламдан ўзга завқ олдим.  
Юлдузлар эмас-ку мени қуршаган,  
Сўзлар мажлисида меҳмонда қолдим.

«Муҳаббат» сўзи бор бизнинг забонда,  
У тоғлардан тушган бир шаффоф сувдир.  
Ешини билмайдир ҳатто замон ҳам,  
Балки у инсоний тўнғич орзудир.

Бир кулиб қараса бу нозли баҳор,  
Гул очар юракда бўлган ҳар тилак.  
Бу илҳом қизининг иқтишоми бор,  
Жилмайиб қалбингга куч берар бешак.

Унинг юрагида кинми, ҳасадми,  
Хиёнат кўрмоқчи бўлган адашар.  
Маним онт ичганим пок муҳаббатнинг  
Бағрида муқаддас бир ният яшар.

Ишқнинг ипак танли, зариф қаноти  
Замоннинг зайлига топширди бизни.  
Юракка ёр экан муҳаббат оти,  
Устирди инсонлик шарафимизни.

Муҳаббат — жасорат! Бу ҳукми азал —  
Бизнинг қисматимиз бўлди жаҳонда.  
Кўнгиллар йўлчиси у мунис гўзал,  
Минг юрак фатҳ этар бир боққан онда.

Унинг қаршисида тиз чўкар инсон,  
Тиз чўкар қиличли қаҳрамонлар ҳам.  
Муҳаббат оловли, ўтидан ҳар он  
Ёниб шафақланур осмонлар ҳам.

«Саодат» сўзи бор яна лисонда,  
Саодат — бу кўркам, бу хушбахт саҳар.  
Толе юлдузи деб уни жаҳонда  
Бир умр излади ўтган насллар.

Саодат мисоли замону макон —  
Улчови чегара унга тамом ёт.  
Саодатли саҳар, саодатли он  
Хаёлда очади янги коинот.

Оҳ, унинг қучоғи меҳри жаҳондир  
Покиза ва маъсум дудоқлари бор.  
«Яшасин саодат, яшасин баҳор!»  
Улуғ шиорлар ҳукми замондир!

Лутфкор яралган унинг қўллари,  
У ёруғ кунларга бошлайди бизни.  
Саодат қизининг шан орзулари  
Ўлимдан асрагай пок ишқимизни.

Яна тилимизда «Ватан» сўзи бор,  
Она қучоғидир бу муқаддас сўз.



Энг буюк орзулар унда устивор,  
На кўнгил тўяди ундан, на-да кўз.

Ватан кўкрагидан бизга сут берур,  
Тириклик неъматини бу шонли тупроқ.  
Қулоқ тут, бу онанг не ўгит берур,  
«Яшагин фахрли, яшагин порлоқ!»

Ватан ўз меҳри-ла туғма онадир,  
У «оқ йўл» тилайди қаҳрамонларга.  
Шаҳид фарзандларин бағрига босиб,  
Мотам ҳам тутади оққан қонларга.

Ҳа, қодир яралган, муқаддас Ватан,  
Буюк бу ҳакамдан бўлган ихтиёр.  
Бузилмас замонлар зайили билан,  
Унинг ўз ҳукми бор, ўз дунёси бор.

«Зафар» сўзининг ҳам чин ошиғиман,  
Қуёшдан юксакдир унинг байроғи.  
Жасур ўғилларнинг иродасидан  
Ешарди бу кўҳна Ватан тупроғи.

Кимнингки отига ошнадир «Зафар»,  
Унга ёр ҳамшиша бахту саодат.  
Зафарли қўшинлар бошлади сафар,  
Ўлимдир жаҳонда сўзсиз итоат.

Буюқдир «Зафар»нинг қалби, аъмоли,  
Элнинг юрагига сингар лаҳзада.  
Эсса ҳам даврнинг вабо шимоли  
Уйнасин зафарлар қизил найзада.

Юксалсин лола ранг байроғинг, «Зафар»,  
Сен билан фахр этар бу оқ Ватан.

Сенсиз азиз тупроқ ҳасратда яшар  
Инсоннинг шуҳрати, шарафи сенсан!

Яшасин МУҲАББАТ аталган пари,  
Яшасин САОДАТ — баҳор саҳари!  
Яшасин онамиз, муқаддас Ватан,  
Тонг отсин ҳар куни бир ЗАФАР билан!

## САДОҚАТ

Дунё мендан сўраб қолди,  
Айт, маслагинг, йўлинг надир?  
Дедим, Совет Ватанига  
Кўнглим қуши парвонадир.

Азал-бошдан шу боғдаман,  
Булбулсифат бутоқдаман.  
Отам ўтди тупроқ томда,  
Мен ойнабанд ётоқдаман.

Қалбдан чиқар шундай овоз:  
Туғилмадим манфур, носоз.  
Нон билмаган, туздан тонган  
Бир шоирнинг ўлгани соз.

Эллар оғзи етди ошга,  
Офтоб тегди йўқсил бошга.  
Вафосизнинг, хоин қалбнинг  
Кўр виждони тўнсин тошга.

Гўзал Ватан, азиз она,  
Сен чироқсан, мен парвона,  
Кўкрагингдан суг эмганман,  
Умрим сенга қурбон, мана.

Бир булбулман, ёр ошиғи,  
Тарлон кўнгил ёра шўнғи.

Партиямиз байроғидир  
Бу дунёнинг ярашиғи!

Кўнгил, гоҳо чиқ ётоқдан,  
Шарҳингни айт минг бутуқдан.  
Бу дунёда асил инсон  
Сув ичади бир булоқдан.

Кўксимда сўз қатор-қатор,  
Юрагимда қуёш ётар.  
Фашист деган нари юрсин,  
Шеър ёзади пролетар...

. . . . .

Дўстлар, қуёш сирдошимиз,  
Муҳаббатдир қардошимиз.  
Улуғ Ленин байроғидир  
Эгилмаган тик бошимиз.

Ҳужумга ўт сен ҳам қалам,  
Қалби, фикри қора одам  
Инсонсифат бир иблисдир,  
Дорга осгил қилмай карам.

Муқаддасдир юртнинг бори,  
Оталар шон, эътибори.  
Синовлардан яхши ўтсин  
Ҳар танишинг, дўсту ёринг.

Тайёр турсин, ҳа, инсонлар,  
Бошладур имтиҳонлар.  
Улкамизда садоқатнинг  
Ҳурмати зўр, эй ёронлар.

Бир булбулман, ёр ошиғи,  
Тарлон кўнгил ёра шўнғи!  
Партиямиз байроғидир  
Бу дунёнинг ярашиғи.

## ЯИРАНГ, УИНАНГ, АВЛОДЛАРИМ

Шаҳар узра қанот ёйиб мудрай кетди ҳорғин оқшом,  
Талай чодир қурди кўкда тўда-тўда, сур булутлар.  
Аста-секин қораяркан мовий сувлар, кўм-кўк ўтлар,  
Ўз ортидан мени аста уйга бошлар келин — илҳом...  
Шаҳар узра қанот ёйиб мудрай кетди ҳорғин оқшом.

Барҳам топмиш майдонлару муюлишлар издиҳоми,  
Сийраклашмиш кўчаларда машиналар ғовур, саси.  
Шаҳар улкан, ҳар кишининг ўз завқи бор, ўз ҳаваси —  
Саройлару театрлар, киноларда ўтар шони,  
Барҳам топмиш майдонлару муюлишлар издиҳоми.

Мен ҳам бир ой кўрмаганим дафтар узра эгганча бош,  
Дейман аста, салом бўлсин шеър у санъат дунёсига.  
Сўз уйини холи кўриб от сурмасин, шамол яккаш,  
Кўнгил қўйиб, жон куйдиргум ҳар калима маъносига,  
Дейман аста, салом бўлсин шеър у санъат дунёсига.

Юрак дарё, орзулар кўп, йўллар узун, сабрим етмас,  
Дейманки, оҳ, уза билсам занжирини жаҳолатнинг.  
Тўлган юрак бўшалмаса, дил чанқоғи нари кетмас,  
Яратишдир, яратишдир, ол байроғи соадатнинг,  
Дейманки, оҳ, уза билсам занжирини жаҳолатнинг.

Бу фикрлар дунёсига эгилганда яна бошим,  
Гўё менга қулоқ осар сокин бўлиб буюк шаҳар.

Оқ қоғозга шеърим сочур карандашим — кўмакдошим,  
Қулогимга юрагимнинг ҳар бир зарби гўё келар  
Гўё менга қулоқ осур сокин бўлиб улкан шаҳар.

Уйимиз ҳам бир жимжитлик, на гапирган, на кулган бор,  
Қирқилгандек жужуқларнинг қотиб-қотиб кулишлари.  
Хийла вақтки йўқдир гармон, камон чалиб ўтишлари,  
Баъзан жужуқ дунёсини на англаган, на билган бор,  
Уйимиз ҳам бир жимжитки, на гапирган, на кулган бор.

Юсуф олиб мўйқаламин бир чеккада расм солур,  
Кичик-кичик таблоларга неларнидир жойлаб қолур.  
Ойбангиз ҳам ўнг қўл ила ўйнаб гулдор этагини,  
Диван узра тинглар, яна бувисининг эртагини,  
Воқиф эса думалайди, бир эркинлик нафасида,  
Мудраб борар мушук каби онасининг тиззасида.

Улар нега гаплашмайди, нега кулиб, ўйнамайди,  
Нечун маним таъбим каби булоқ бўлиб қайнамайди.  
Бу полапон юраклардан нелар кечар, ҳозир нелар,  
Онам аста, шовқин солманг, асар ёзар отанг, дерлар.  
У ҳар шеърни битиргунча тошга банзар тан-жонимиз,  
Унинг ҳалол заҳмати-ла топилади, ҳа, нонимиз!

— Йўқ, йўқ, азиз болаларим, бўғманг асло сасингизни,  
Сизнинг янгроқ тилингизни эшитмасам бирор зумга,  
Қалбим — тошу, дунё зулмат кўринади, ҳа, кўзимга,  
Кулган кўрай, хушнуд кўрай, хушбахт кўрай доим сизни,  
Кулинг, азиз болаларим! Бўғманг асло сасингизни.

Мен кўрганман болаликда нон дардида ўй сурганни,  
Онам совуқ бир кулбада оч қорнига туғди мани.  
Сиз бахтлисиз, авлодларим, у кунларни кўрмадингиз,  
Йўқсилларни очлик бўғган у тунларни кўрмадингиз.  
Кўрмадингиз қалам қошли, турна кўзли у келинни,  
Жон бераркан мен томонга қўл узатди, сўнгра тинди.

Сиз ёп-ёруғ ҳам янгича биноларда яралдингиз,  
Саодатдир илк уйингиз, озодликдир илк онтингиз,  
Бўйнингизга қирмизи ранг галстуклар таққанда сиз  
Билганманки, доим шундай хушбахтлидир насибангиз.  
Биламанки, сабоҳнинг ҳам сизникидек шоддир юзи,  
Мураббийдир умрингизга бу меҳрибон ҳаёт ўзи.

Элнинг қодир қўлларида ўсар экан эл-юрт бари,  
Отасиз ҳам бахтли яшар минг-минг Ватан болалари.  
Бир абадий ол баҳорга таслим бўлди бўронли қиш,  
Эртанинг нон топиш дарди чекингизга ёзилмамиш.  
Мендан нари кетманг асло, сукунатга ёвман чиндан,  
Жимжит ўтган кунларимни ўчираман ўз умримдан.

Мен азалдан тўфонларнинг қучоғида йўғрилганман,  
Пўртаналар, қасирғалар оғушида туғилганман.  
Оғир тўплар тилга кириб сайрагунча, рост, чинига  
Шоир қалбим айланади баланд тоғлар лочинига.  
Шер мисоли кўп чиққанман ёнғинларнинг орасидан  
Йигит йигит бўла билмас қон оқмаса ярасидан.

Пўлат каби ўтда пишиб, снарядга тўлса юрак,  
Сўзнинг ҳукми майдон сўрар олис кетар ўқдек бешак.  
Уйнанг, кулинг, авлодларим, сукунатга ёвман чиндан,  
Жимжит ўтган кунларимни ўчираман ўз умримдан.  
Сўзланг, кулинг, қарсак чалинг, сиқиштирмай сасингизни...  
Хуррам кўрай, қувноқ кўрай, хушбахт кўрай ҳар вақт сизни.

## БУТУН БОКУ ЮРАГИМДА БИР ШЕЪР БЎЛУР

Қадим Хазар денгизининг қучоғида у —  
Дунё кўрган, бағри бутун донишманд Боку.  
Қандай созки, кечалар,  
Бу майдонлар, кўчалар

Келин каби ясанишган, кўркам, ишвакор.  
Бугун Ильич бухтасини этиб сайилгоҳ,  
Маъдан олган кишиларга суқланаман гоҳ,  
Қўлимда-чи, қоғоз билан содиқ қалам бор.

Бурғулар-чи, гўё кўкка бош олиб кетур,  
Тоғ жуссали, чўнг равоқли эҳромлар каби.  
Уйламаки, улар Ерни, бизни тарк этур,  
Ерда ёниб, кўкда ўчган илҳомлар каби.

Инсонларнинг юзи гулгун, юраги — гулшан,  
Бир кўнгилдан сув ичади минг-минглаб кўнгил.  
Замин узра нур тўкилур қуёшдан, кўкдан,  
Осмон қизи Ер ошиғи эрур, яхши бил.

Айтинг ахир бу тантана, бу базм нечун?  
Гўдакларнинг ёноқлари анордир — анор.  
Бошдан-оёқ ясанибди Бокумиз бугун,  
Уз бахтини байрам қилар шаҳрим улуғвор...



Хаёлимда сафланади янги сатрлар,  
Қалам тинмас, аста-секин қоғоз тўлади...  
Саф-саф ўтар бахт яратган мардлар, ботирлар,  
Бутун Боку юрагимда бир шеър бўлади.

1951

## ЎЙЛАР

Гоҳ-гоҳида овчи кўнглим тоғлардан ошиб,  
Олис кетиб, узоқ юриб йўллар кезади.  
Сокин ўтган куним билан у видолашиб,  
Набра тортиб, сурон солиб чўллар кезади.

Бир қушчанинг учишидан билсангиз, нелар,  
Нелар туяр бу шоирнинг сайёр юраги.  
Инсоф билан айтилганда бир жонли асар —  
Яшил ўрмон, кўм-кўк дала, оҳу ҳуркаги?

Лочин учар уясидан шиддатли, тезкор,  
Кўҳна тоғлар кифтин кўкка тираб туради.  
Қим яшамас ўз қалбининг азмига ҳамкор,  
Қим оламнинг ўсишига бефарқ юради?

Бу дунёнинг харитаси бир рангда эмас,  
Азал-бошдан ҳар суратнинг ўз жилваси бор.  
Кекса эман юз йил яшаб, чарчадим демас,  
Йиқилса ҳам илдизи-ла қулар шиддаткор.

У ўлмайди, ўларми ҳеч оламда виқор?  
Замон ўтар, ниҳол ўсар, битар қасрлар.  
Бир қўлида ёз қуёши, бирида баҳор,  
Қанча байрам қаршилайди бизнинг насллар.

Гоҳи очиб қучоғимни, бир шамолсимон  
Қарвон бўлиб элдан элга кўчгим келади

Юрагимда бир дунёнинг кучи бегумон.  
Денгизлардан — уммонлардан кечгим келади.

Қоямисол тўлқинларнинг метин сафлари  
Шиддат билан кўкрагимга сола бошлар чанг.  
Енгармиди иродамни тўлқин дафтари,  
Ким истамас қилишни, эҳ, пўртана-ла жанг!

Гоҳи палла сокин оққан ариқ ёнида  
Ўйга толиб, дардлашаман бу юрак билан.  
Орзуларим мисли дарё оқар қонимда,  
Кимнинг қалби урмас ахир минг тилак билан!

Ва дейманки, олис йўлда сувга зор турган  
Бир кимсанинг қаршисида булоқ бўлсам...  
Бир маслакли дўстларимнинг дунёда кўрган  
Ташвишига, қувончига ўртоқ бўлсам!

Истардимки, қанотини ёзганда ҳижрон  
Қовуштираман айри тушган дўст қўлларини.  
Соғинишган севишганлар кўришган замон,  
Шеърга солсам бу висолнинг шан йўлларини.

Бир чумчуқнинг уясини учирса шамол  
Тумшуғимда хас-чўп йиғиб ин қуриб берсам.  
Чағаларга ҳадя этсам дуркунлик, камол,  
Ва учирма қилиш учун шохларга терсам...

Истардимки, дуч келганим у етим гўдак  
Ота десин ҳам яйрасин мени кўрганда.  
Ким истамас йиқилганга бўлувни тиргак,  
Ким қониқмас бир кимсага зарур бўлганда?

Кўз олдимдан дунё ўтар варақма-варақ,  
Мен орзулар дунёсига шўнғиб кетурман.

Мавзолейнинг эшигида туриб денг бир чоқ,  
Милтиқ тутган аскар каби сукут этурман.

Гоҳо эса, ер остида қўлимда чироқ,  
Шахталарда чўкич уриб, маъдан қазурман.  
Сочи оппоқ ҳакамларга айланиб-чи гоҳ,  
Ватанимнинг ёвларига ўлим ёзурман.

Бурғу қуриб нефть олган қаҳрамонларнинг  
Болтасидек қояларни уриб ёргим бор.  
Ер остига, ер устидан мард инсонларнинг  
Олқишини, саломини ташиб боргим бор.

Соч ёйганда далаларга баҳор қуёши,  
Ер юмшатиб, уруғ танлаб, сепсам дейман дон.  
Қари ҳўкиз ҳолдан тойса, айланса боши,  
Тортар эдим ўзим шунда омочни чаққон.

Шудгорларни ювиш учун отланганда сел  
Тўсиқ бўлиб шиддатини кеса олсайдим..  
Саратонда олов пуркаб ёнганида чўл,  
Навбахорнинг насимидек эса олсайдим..

Истардимки, келажакка бўлиб бир ёдгор  
На шуҳратим, на ҳайкалим, на отим қолсин.  
Курашларда зафар топган мард қаҳрамонлар  
Сирасида асарларим, авлодим қолсин.

Дейдиларки, совир эмиш бир куни офтоб,  
Уйлагунча у заволни, етгунча у дам;  
Бу дунёга неча минг йил келаркин шитоб,  
Чўзсам эди кураш билан умрни мен ҳам.

Ўз қўлимда инжу мисол ипга тизардим  
Ойларини, йилларини абадиятнинг.  
Самовотда қуёш билан бирга кезардим,  
Ер юзида бўлар эдим кўрки хилъқатнинг.

Истардимки, қутлуғ кунлар чўлда, чаманда  
Юракларга оҳанг солган най бўла олсам...  
Мен ўзимни бу дунёда, дунёни манда  
Идрок этиб маъно тўла май бўла олсам...

Бир орзунинг мевасидир ҳар кичик асар...  
Ўйланаман тилга келур қалбимдан бир сас.  
Дейди: шоир жуда соз-ку бу ширин ўйлар,  
Лекин Борлиқ бир юракка, афсуски, сиғмас.

## БАҲОР ОРЗУЛАРИ

Баҳор суйганимсан, сен — азал-бошдан  
Энг гўзал қизисан сен табиатнинг.  
Хушбахт туғилгансан хушбахт онадан:  
Кўзининг ўтисен шеърнинг, санъатнинг,  
Энг гўзал қизисан сен табиатнинг!

Сенинг ҳам шоирдек қонинг қайноқдир,  
Орзуларинг ерда гул очар лак-лак...  
Бошингда фикрлар доим уйғоқдир,  
Сийнангда доимо урадир юрак,  
Орзуларинг ерда гул очар лак-лак.

Сукутга азалдан душмансан сен ҳам...  
На тўхтам биласан, на олурсан тин.  
Чўлларга тўшаркан минг рангли гилам —  
Ёмғир, дўл, бўронга тўш кериб бардам,  
Қишнинг сўнг ҳамласи — қасирғаларгаям  
Қарши курашларда ўсасан секин,  
На тўхтам биласан, на олурсан тин.

Булутлар тўшида ёққан чақмоғинг  
Қиличдек суғрилар мисоли қиндан.  
Бўронга айланур гоҳи шамолинг —  
Тоғлар ҳам сесканур ҳайқиринингдан.

Баҳор, кел, сойларинг кўпириб оқсин,  
Кўксимга қуйилсин, майли, селларинг.

Бошимга булутлар чақини чақсин,  
Тўфонга айлансин майин еларинг.

Тўйгунча беллашиб қасирға билан  
Бўрон қуши каби учурман мен ҳам.  
Сўнг дўстим баҳор-ла бирга ётурман —  
Оромгоҳ бўлажак кўм-кўк бир далам.

Дондек сепилайлик тупроққа шу тоб,  
Ердан сўнг унайлик сунбуллар каби.  
Қизлар атримиздан олишсин гулоб,  
Баҳорнинг зийнати ол гуллар каби.

Қўшчинор бўлайлик иккимиз йўлда,  
Кўкка бўй қўяйлик ўз ўлкамизда.  
Саратон ёндирса Муғонда, Милда  
Йўловчи дам олсин дўст кўлкамизда.

Еки тоғ кўксида қўша қайнаган,  
Шаффоф булоқ бўлиб берайлик ҳузур.  
Соҳилга сиғмасдан чопган, ўйнаган  
Дарёлар сингари мавжланайлик, юр!

Ер очсак, саҳрою бўзни суғориб,  
Тош йўнсак, сўз ёзсак қўша қўл мисол...  
Чақмоқдек кўк бағрин ёритиб, ёриб  
Заминни безасак такрору такрор.

Бир жуфт хумор кўзли кабутар бўлиб  
Ер узра қоқайлик қанотни кушод.  
Шеър каби тўлқинлан, нағмадек тўлиб  
Тилдан-тилга ўтиб, ўқилайлик ёд.

Бир жуфт машъал бўлсин юракларимиз,  
Бир жуфт юлдуз бўлиб қўша ёнайлик.

**Эзгулик саодат — тилакларимиз,  
Шу орзу йўлида жўша ёнайлик!**

**Иккимиз кирайлик бирга минг ёшга,  
Мисоли бир танда урган қўш юрак...  
Минг йил жон берайлик тупроққа, тошга.  
Наслдан-наслга мерос ўтарак.**



## МЕНГА ШУНДАЙ ДЕДИЛАР...

Узим таниш бўлмаганим,  
Бирор ерда кўрмаганим,  
Шеър мухлиси бир кишидан  
Бир хотира сўзладилар:  
«Бизга юртдош бир қаҳрамон,  
Яраланган аскар ўғлон  
Сўнг нафасда ўйга толди,  
Сени эслаб тилга олди...  
Деди: «Доктор, эшит, доктор,  
Соғлиғимдан умид йўқдир.  
Пичоқни қўй, гап сўрама,  
Иложим йўқ, ҳа, ўламан.  
Кўзим йўлда, дил қафасда.  
Эшит мени сўнг нафасда,  
Кел, Вургундан, доктор, шу дам,  
Бир банд ўқий, эшит сен ҳам,  
Бу нағмада меҳригиё,  
Дунёни қўй, эски дунё!  
«Эл билади, сен манимсан,  
Юртим, уйим, масканимсан,  
Онам, туғма Ватанимсан,  
Айриларми кўнгилу жон?  
Озарбайжон, Озарбайжон!»  
Дея сўнгги сўзларини,  
Юмди қора кўзларини...»  
Бас қил энди, етади, бас,

Ёмон гапни чўзиб бўлмас...  
Мен юртимнинг пок дилиман,  
Яхши кунлар шонриман,  
Ёмон хабар қалбга бироқ  
Келтиради андуҳ, фироқ.  
Очилмагай қош-қовоғим,  
Тундлашаман, бўламан лол.  
Гул очмайди кўнгил боғим  
Сувсиз қолган чўллар мисол.  
Бу гапдан сўнг ойлар ўтди,  
Вужудимни тирнади ғам.  
Мендан гўё бир гап кутди,  
Бир гап кутди гўё олам.  
Қайга бормай, қайда турмай,  
Ерда юрмай, кўкда бўлмай,  
Кўрмаганим у қаҳрамон,  
Кўзларимга боқди ҳар он.  
Бирга келиб, бирга кетар,  
Мендан нима талаб этар...

\* \* \*

Азиз дўст, тингласин мени бор олам,  
Бу шеърдир қалбимдан отилган нидо.  
Сенинг ишқинг каби муқаддасдир, о,  
Гоҳ ёнга айланар кўзларимда ғам...  
Ватанга атадинг сен сўнгги онтинг,  
Дарёлар оқими тўхтади шу он.  
Муҳаббат ўтида мардона ёндинг,  
Сиймойинг кўрурман ўтда, қаҳрамон.  
Кўрурман доимо жасур юрагинг,  
Ҳамда у меҳрибон, иссиқ юзингни.  
Юлдузлар бир умр бўлсин тиргагинг,  
Қаҳқашон бағрида кўрай изингни.  
Йўқ, йўқ, узоқдадир юлдузлар биздан,

Отингни самога ёзмагани соз.  
Олисга кетмагил сен бағримиздан,  
Ҳайкалинг кўнгилга таскин ва ихлос!  
Биздан айирса ҳам гар сени ҳаёт,  
Номингни қиламиз умр бўйи ёд!

Қардошим, кўраман тоғлардан ўтган  
Яшил сўқмоқларда оёқ изини.  
Кўраман кўзини йўлларга тутган  
Тоғлар гўзалини, тоғлар қизини.  
Қара, дунё кўрган анов чолга боқ,  
Маъноли кўзида соғинч ва армон...  
Сочлари ташвиндан бўлибди оппоқ,  
Илгида қолмабди, начора, дармон.  
Аммо кўкрагида уради юрак,  
Ҳар аъзо қудратни юракдан олгай.  
Умидга эш яшар қария бешак:  
Ҳар сабоқ ўглини қучади, ҳай-ҳай...  
Умид, у меҳрибон, беқиёс пари  
Энг оғир дамларда келар ёрдамга.  
Дунёда ёнаркан унинг машъали,  
Зулматни ёритиб берар одамга.  
Яқинда урушдан келган голиб, соғ  
Ватандош йигитнинг сиқдим қўлини.  
Унинг кўзларида кўрдим ўша чоғ  
Сенинг у муқаддас ҳаёт йўлингни.  
Уйимга қайтаман оқшомда гоҳи,  
Хаёлинг тинчитмас, ўйга толаман.  
Ўғлимга тушганда ота нигоҳим  
Кўзида мен сени кўриб қоламан.  
Йил кетиб, йил келар, келар хуш даврон,  
Ёруғ кун бўлади Ватанда яна.  
Саодат мажлиси қурилган замон  
Шаънингга қилурлар улкан тантана.  
Қара, кўз олдимга келди келажак,  
Қаршимда турибди муҳташам ҳайкал.

Атрофи гулзору пойида чечак,  
Фаввора ҳуснига беради сайқал.  
Одамлар келмоқда тўп-тўп ёнига,  
Ким ўзи? Номаълум бир қаҳрамондир.  
Унинг она қалби — энди замондир,  
Олқиш давримизнинг мард ўғлонига.  
Сен кетдинг умрингнинг баҳор ёшида,  
Отинг саодат-ла мангуга йўлдош!  
Энди ҳайкалингнинг мармар тошига  
Энг сўнгги калиманг ёзилди, қардош:  
«Эл билурки, сан манимсан,  
Юртим, уйим, масканимсан,  
Онам, туғма Ватанимсан  
Айриларми кўнгилу жон?  
Озарбайжон, Озарбайжон!»

## ШОИР, НЕЧУН ҚАРИДИНГ ТЕЗ?

Нондек азиз бўлса ҳам шеър,  
Шоир бўлган ташвиш-гам ер.  
Умри ўтар шу одат-ла,  
Мароқли шу саодат-ла...  
Мени кўрган, қаранг, на дер:  
Сочларингда қировдан из,  
Шоир, нечун қаридинг тез?

Кеча менга атай қирмиз  
Гул келтирди бир сулув қиз,  
Кўзларида минг бир савол,  
Туриб қолди ҳайратдан лол...  
У бахтиёр соҳибжамол  
Кўзи дерди гўё сассиз:  
Шоир, нечун қаридинг тез?

Овчиликнинг гаштин сурдим,  
Кун-тун демай чўлда юрдим.  
Тоғ бошидан пастга кўчиб,  
Бир ўқ каби ҳар ён учиб  
Не-не асов жайрон урдим;  
Садо келди ўқдан «виз-виз»:  
Шоир, нечун қаридинг тез?

Гоҳо учқур, гоҳо сокин,  
Янграр созим ҳеч олмай тин.

Англадим, у янги бир олам қураар,  
Донишлар ёзар бу ўтли сийнани,  
Бу ҳикмат илҳомга ундайдир мани!

Жар солар чархларнинг суронли саси,  
Тинмас болталарнинг пўлат панжаси.  
Бедордир Муғоннинг, Милнинг кечаси...  
Қайнайди ўлканинг чўлу чамани,  
Бу қудрат илҳомга ундайдир мани!

Чўлларга бел боғлаб комсомол келар,  
Курдан ҳам Ораздан ирмоқ — йўл келар.  
Муғонни гулистон айлар қўл келар...  
Саҳролар амр этар:— Ёз бу саҳнани.  
Бу даъват илҳомга ундайдир мани.

Бўз тоғнинг бағрида бордир бир денгиз,  
Соҳили серсоя, ҳуснда тенгсиз.  
Тўлқинлар қувлашар елиб изма-из  
Уйнар кемаларнинг ипак елкани,  
Бу сурат илҳомга ундайдир мани!

Ойнабанд уйларнинг айвони салқин,  
Шафақдан қўйнида ўйнайди ёлқин.  
Ҳар оқшом, саҳарнинг жамоли чақин  
Мисоли қутлайди минг деразани,  
Саодат илҳомга ундайдир мани.

Ширвонни гуллатар лочин қанотлар,  
Утлоқлар бағрида кишнайди отлар.  
Ахир оқим-оқим эллар, элатлар  
Очмоқда бундаги ҳар дафинани,  
Бу санъат илҳомга ундайдир мани.

Муғонга сув келар, Милга сув келар,  
Пиғилиб ўз эли, улуси келар...

Тупроқда инсоннинг орзуси келар...  
Бағримга босурман она-Ватаним,  
Бу улфат илҳомга ундайдир мани!

Юрак завқ туярки, сўнмагай ўтим,  
Яна сўз лашкарим ҳужумга ўтди.  
Кўнгиллар мулкида минг уя қурдим.  
Унутмас севганин асло севгани,  
Муҳаббат илҳомга ундайдир мани!

## ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Қушлар қатор-қатор юрт ошиб учар,  
Башар авлод-авлод дунёдан кечар,  
Кишилик гоҳ заҳар, гоҳ шарбат ичар...  
Азалдан шу эрур ҳукми замоннинг,  
Бир мубҳам сири бор бу осмоннинг.

Чархини қургунича бу кўҳна даврон  
Баъзида хурсанду, баъзан дил хуфтон...  
Инсоннинг аъмоли, ишқи бегумон.  
Гоҳ ўзин шер каби қафасга урган,  
Гоҳо пўртаналар ичра гарқ бўлган.

Ўзгартгай йўлини доимо сувлар,  
Ўзгаргай фикрлар, сўнгай туйғулар.  
Қонинот топмагай бир ерда қарор:  
Қояларга урар сийнасин минг бор.  
Етгани гоҳи қиш, гоҳ эрур баҳор.

Дунё биносини қургандан бери  
Саодат исмли у гўзал пари,  
Кел, дея замонга, қочармиш нари...  
Афсуски, ҳали ҳам орзуманд инсон,  
Етиб қовушмади унга бирор он.

Эй дунё гўзали, қочма башардан,  
Инсондир фарқлаган темирни зардан.



Кел, унинг ишқини дариг тутма, сан,  
Қалби бор, ҳисси бор ҳар муҳаббатнинг,  
Сўнмагай юлдузи абадиятнинг.

Улим — бир иблисдир, ҳаёт — бир малак,  
Борлиққа эргашир йўқлик кўлкадек...  
Нур эса зулмат-ла олишиб, бешак —  
Яшатмоқ истайди дунёда бизни,  
Қуёш олқишлайди иродамизни.

Ёмонлик, яхшилик тушмас бир изга,  
Тилсиз асрлардан ёдгордир бизга.  
Баҳор эли эсар қалбларимизга,  
Лекин орқасидан қувиб келгай қиш,  
Табиат борлиққа шундай боқармиш.

Бир ёнда тўй бўлса, бир ёнда мотам  
Шодлик бир оламдир, гусса — бир олам.  
Ҳаёт-чи, отини сурур дамо-дам;  
Ҳатто ўт қаърида ёнган манзара  
Яна қанот берур ўйларга, қара.

Ва яна инсоннинг хаёл сарвари  
Учар фазолару денгизлар сари.  
Сен эй, саодатнинг гўзал саҳари  
Олқишла инсоннинг орзули йўлин,  
Етказ Ер юзига жасорат қўлин.

Башар имдодига кел, бергил кўмак,  
Жасоратсиз амал — бир хаста малак.  
Жасорат деганим қудратли билак...  
Бутун коинотга у қулоч отсин,  
Башар карвонига йўллар кўрсатсин!

Жасорат куч берсин тупроққа, тошга,  
Денгизлар қўшилиб тушсин талошга  
Озодлик қўшини қувсин бир бошдан...

Ҳар зафар достони бир ёдгор бўлсин,  
Ўлим таслим бўлсин, ҳаёт бор бўлсин.

Яралдик дунёга шуҳрат бўлиб биз,  
Қуёш зулматга ҳеч чўкмагай тиз,  
Қирилсин ёмонлик, у хоин иблис!  
Яхшилик найини чалайлик дилдан,  
Прометейни қутқарайлик занжирдан.

Фалокат қариди, толди у кўппак,  
Суяги тез чирир, йўқдир бунга шак.  
Саодат — ёшлиқдир, номи — келажак!  
Унинг кўзларида ҳаёт ишқи бор,  
Яшасин келажак, яшасин баҳор!

1942

## СУЗНИНГ ШУҲРАТИ

Қанотлан ҳусни ишқ бирлан, маконинг кенг осмондир,  
Гул юзли бир саҳардирсан, баҳор қўйнингда меҳмондир.  
Сенинг ҳуснинг ҳам, ишқинг ҳам яралгандир ҳақиқатдан,  
Юрак тўймас, хаёл тонмас муқаддас бир тариқатдан.  
Рубобинг кўп эрур нозик... минг олам бор таронангда,  
Отинг «сўздир», ўзинг инсон не маънолар яшар санда.  
Шуурлар дарс олар ҳар он сенинг ўткир камолингдан,  
Шафақлар, шуълалар оқди ҳаётга кун — жамолингдан.

Не маъно инкишоф этма, кўнгил тўймас бу маънодан.  
Башардир шуҳратинг, эй сўз, умид-мақсаддан пайдосан!  
Сенинг фаҳринг, камолинг ҳам замону қўл-ла ўлчанмас,  
Яхши гап, хушхабар — сенинг, кўнгиллар шод бўлиб кулмас,  
Ўзинг мажлислар фаҳрисан, тирик ҳар қалбга зийнатсан!  
Амаллар, орзулар ўғли, жаҳон кез, сен фазилатсан.  
Кўнгиллар мулки юртингдир... сенинг минг ҳамдаминг бордир,  
Кўним билмас қанотларда учар бир оламинг бордир.

Сўзинг маъноси ҳад билмас, баландлар қуч шу қудратда,  
Камолинг инжулар сочсин, гапир ҳар ерда ҳикматдан.  
Сўзининг ишқи-ла, қалби-ла яшар оламда дostonлар,  
Унинг сайёр хайлида кезар дунёни инсонлар.  
Унинг бағрида беркинмиш ҳамма дониш, даҳо ишқи,  
Унинг бағрида тин олмиш замин ишқи, само ишқи.  
Сўзни шаънида шуҳрат бор, бу маъно ҳеч бекор бўлмас,  
Ахир гулсиз, сўз, инсонсиз, саодатсиз баҳор бўлмас.

Шеър санъат азал-бошдан унинг хусни-ла йўғрилган,  
Замоннинг дарди, савдоси ёниқ қалбига нақш бўлган.  
Сен эй, «Сўз» аталмиш неъмат, туганмас бир хазинаг бор,  
Бошингдан минг бўрон ўтди, ўтди қонли у давронлар.  
Фақат сенсиз на бир гулшан, на бир япроқ кўкармишдир,  
На ишқнинг лозоридан бир кимса лола термишдир.

Гўзаллар, турфа жононлар дудогиди гул очдинг сан,  
Кўнгиллар маст бўлиб қолди сенинг мафтункор аtringдан.  
Ширин суҳбат ила улфат севар севгига ҳамдамлар,  
Меҳрибон, иссиқ бир сўздан битар дардлар, қочар ғамлар.  
Бўёқсиз, танги, «аммо сиз» бўлган сўз доимо ҳақдир,  
Сўзнинг ўтмасми бир ерда буюклик шу — гапирмай тур.

Оқиллар мажлисидан қолма ҳеч, файз ол сўзу суҳбатдан,  
Фақат жоҳиллар олдида қолар Луқмон ҳам қийматдан.  
Ноҳақ сўз ёндира қалбини, фақат ҳақ сўз тешар тошни,  
Ёмон сўз қайнатар қонни, йўқотгайсан дўсту сирдошни.  
Фалокатлар эгар бунёд риёлар ҳамда бўҳтонлар,  
Елгон сўздан ҳаёт қургай ҳаёсиз, бебурд инсонлар.

Тўғри сўз! Қаҳрамонликда ўтган ўз шуҳратинг бордир,  
Отинг доҳийлар оғзида ҳужумсиз жабҳалар олди.  
Сенинг ҳадсиз қучоғингда лашкаринг шунчалар мулки  
Бутун олам қўшин тортса ололмайдир сўзнинг мулкин.  
Қиличдан, найзадан кескир, замондан, ўқдан илдамсан,  
Бугун ҳар нашъага ҳамдам, эрта ҳар дардга малҳамсан.  
Бутун қонунларнинг ҳукми ёзилган сўзда, бир хатда,  
Адолат, хоҳишинг жонни олсанг, ол ишққа ҳурматда.  
Ҳақиқат — нижадир қалбинг, фақат синмас ироданг бор,  
Камолот — бир қўшсанки, жамолингда шафақ норлар!  
Муҳаббат — сен умр кўрки, яшаш сенсиз жиноятдир,  
Гўзаллик — жонли бир санъат, азалдан умрга зийнатдир.  
Саодат — сирлар ошиёни, муқаддас бир паридурсан,  
Ватан — номус-да, виждон-да олур сайқал жамолингдан.  
Ватан, бағрингда ўсганлар амаллар, орзулар шаксиз,  
Ватансиз, юртсиз инсонлар яшар оламда маслаксиз!

Бу сўзлардир менинг ишқим, бу маънолар баҳоримдир,  
Бу эҳтирос, бу шеърият менинг бир лолазоримдир.  
Бутун олам чечак терсин, фараҳ топсин бу гулшандан,  
Замону коинот ҳуснин рубобидан яралдим ман!  
Ез, эй Вурғунки, ҳар шеъринг, ҳар сўзинг бир ёдгор бўлсин,  
Мен ўлсам ҳам, Ватан, меҳрим Ватан мулкида бор бўлсин.

1944 й.

## ШОШМАЙМАН...

Дўстлар, бодаларни тўлдириб ичсак,  
Кеча чарогондир, ҳаво ҳам салқин.  
Демайман: маст бўлиб дунёдан кечсак...  
Дейманки, меҳрибон ўйларнинг сокин  
Ҳам иссиқ бағрида кезинсак бирпас.  
Қўй, чўзилсин кеча, кечиксин саҳар,  
Ухлаб қолишмасин улфатдагилар,  
Менинг суҳбатимдан толиқиш бўлмас.  
Ҳали ер юзида инсонга ҳамдам  
Бўлиб дардлашишдан тўйганимча йўқ.  
Инсоний умрнинг бирор они ҳам  
Ўтмасин ел мисол, ё мисли бир ўқ.  
Бу ойдин кечадан, бу тоғ тўшидан,  
Сернаво, хушсуҳбат булоқ бошидан  
Бу соат, бу дам,  
Ҳеч ёққа шошмайман,  
Ҳеч ёққа, эркам.

\* \*  
\*

Севгилим, бўйнимга қўлинг ташла, бўл,  
Ўйлама: чарчади, кексайиб қолди.  
Мен ҳали ҳаётдан нима завқ олдим?  
Юр, олам кезамиз бериб қўлга-қўл.  
Қайтадан фикримнинг сайёр елкани

Денгиздан денгизга отса ҳам мени,  
Қўрқаман, қалбдан де: «Омадимиз қул!»  
Юр, олам кезамиз бериб қўлга-қўл.  
Селлардан, сувлардан тезроқ оқсам ҳам,  
Чақмоқ-ла осмонда бир ўт ёқсам ҳам,  
Устимга от қўйсин ҳо шодлик, ҳо ғам,  
Ҳеч ёққа шошмайман,  
Ҳеч ёққа, эркам.

Сен ҳам, овчи дўстим, шошмагил сен ҳам,  
Бу мағрур тоғларга чиқамиз аста.  
Дарё бўйидаги чаманин бир дам  
Кезайлик бўлиб дил дилга пайваста.  
Ҳар гулга, чечакка салом бермасам,  
Хуш юз кўрсатсам, хуш юз кўрмасам,  
Ҳеч ёққа шошмайман,  
Ҳеч ёққа, эркам.

\* \*  
\*

Осмонда елмасин булутлар мунча,  
Сув ўтиб кетмасин кўриб суйгунча,  
Боқай ҳар заррага кўнгил тўйгунча...  
Юрак завқланмайди ўткинчи сасдан,  
Нима ҳам чиқарди оний ҳавасдан.

\* \*  
\*

Ўйлама яна сен:

вазмин, нохушман,  
Тузоққа илинган шикастли қушман...  
Қўй, дунё узайсин, яшнасин замон,

Бир кун орзусида ёнсин ер-осмон  
Офтобнинг кўзидан нур эма-эма...  
Умр китобини тамомлай дема.  
Жонбозлик кўрсатиб қўлимда қалам  
Ҳеч ёққа шошмайман,  
Ҳеч ёққа, эркам.





## ДРАМАТИК ДОСТОН

## ВОҚИФ

5 парда 11 кўринишли шеърӣ драма

### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

- Воқиф — XVIII асрда яшаган машҳур озарбайжон шоири.  
Оға Муҳаммад  
Шоҳ Қожар — Эрон ҳукмдори.  
Видодий — шоир. Воқифнинг асрдоши, яқин дўсти.  
Иброҳимхон — Қорабоғ хони.  
Элдор — хонлик зулми ва Қожар босқинига қарши бош кўтарган қишлоқ аҳлининг бошлиғи.  
Курди Муса } Элдор қўшинидан.  
Аршон }  
Хиромон — Воқифнинг хотини.  
Алибек — Воқифнинг ўғли.  
Гулнор — Алибекнинг севгилиси.  
Амина — Гулнорнинг онаси.  
Туказбон — Видодийнинг хотини.  
Вазир — Қожарнинг вазири.  
Қизиқчи — Иброҳимхоннинг қизиқчиси.  
Шалико } — Қожар асирга туширган гуржилар.  
Тамара }  
Кичик Гуржи }  
Али Шайх — Қорабоғ шайхи.  
Илёс — Элдор қўшинига қўшилиб олган жосус.  
Саркарда — Қожар қўшинларининг саркардаси.  
Зулфиқор } — Қожарнинг аскарларидан, унга қарши бош кўта-  
Темур } ришади.  
Аҳмадота } — қишлоқ кексалари.  
Қурбонота }  
Қосим } — чўпонлар.  
Муруд }  
Қишлоқ аҳли, қочоқлар, аскарлар, элчилар ва бош-қалар.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

XVIII аср, Озарбайжон, Қозоқ вилояти. Видодийнинг ҳовлиси. Орқа тарафдан Кур дарёси кўриниб туради. Намозгар палласи, Видодий ёлғиз, дарахт соясида намоз ўқиётир. Намоз орасида қўлларини кўтариб, титроқ ва таъсирли товуш билан кўкка юзланади:

Худоё!

Инсоннинг ҳоли ёмондир,  
Кўрган-кечганимиз сенга аёндир.  
Маъноси борми ҳеч бу тариқатнинг,  
Оч бизга эшигин сен ҳақиқатнинг!  
Бир янги нур берсанг, нетади бизга,  
Бу ожиз яралган кўзларимизга —  
Балки ажратардик яхши-ёмонни,  
Токи қонсиз ўтган бирор замонни  
Кўрсак илҳом олиб, севинарди дил,  
Бу сўнгсиз зулматнинг бағрин ёритгил.  
Ғарибдир дунёнинг ашрафи инсон,  
Буюксан, одилсан, ўт гуноҳидан.  
Ер узра судралиб ўтмасин башар,  
Қолмасин тубанлик — тухматдан асар.  
Яхшилик инсонга бир санъат бўлсин,  
Дунё бир бошидан, қўй, жаннат бўлсин!

Т у к а з б о н

Яна намоз вақти ўқийсизми шеър?..

## Видодий

Сен ҳам қайта-қайта қалбни тила бер...

## Туказбон

Йўқ, йўқ, жон Видодий, кечиринг мани,  
Жон-дилдан севаман ҳар калимани.  
Уттиз йил турганим бу ғариб кулба,  
Уттиз йил турган бу мунғайган кулба  
Қутлуғ оёғингиз теккани замон  
Мен учун бўлди бир жаннатдек макон!

## Видодий

Бери кел, вафоли кампирим, борим,  
Сенда жонланади илк орзуларим.  
Дунёнинг ташвиши, дардин, Туказбон,  
Унутиб юборгум қараганинг он...

## Туказбон

Тақдир кўп кўрмасин бу кунни бизга,  
Бир умр бош урсам арзийди сизга.

## Видодий

Туказбон!

Йўловчи яна камайди,  
Воқифдан янги бир хабар келмайди.  
Воқиф Қорабоққа кўчгандан бери  
Қисқарар умрим ҳам ҳижронда эриб...  
Усиз кундан-кунга ортади ғамим,  
Ушайди бу ерда кўнглим ҳамдами.

## Туказбон

Видодий, қайғурманг, элда масал бор:  
«Бир ённи беркитган, бир ённи очар».

(Эшик қоқилади.)

Видодий

Марҳамат!

Икки нафар элчи киради.

І элчи

Сизмисиз, шоир Видодий?

Видодий

Балли, нима экан, сўзла муродинг?!

І элчи

Ганжадан келяпмиз,  
меҳмонмиз сизга.

Туказбон

Бизнинг фақирона бу уйимизга  
Хуш келибсиз, меҳмон!

Видодий

Келинг, азизлар!  
Оллоҳ меҳмон берса, ризқин ҳам берар.

Элчилар ўтиришади, Туказбон хола офтобани ўтга қўйиб, чой  
ҳозирлашга киришади.

Видодий

Сўзланг, қаердансиз ким томондан сиз?

І элчи

Шоир, Жоводхоннинг одамларимиз,  
Хушхабар айтгали келгандик сизга.

Видодий

Воқифдан?

І элчи

Иўқ, Воқиф Қорабоғдадир,  
Ўзингиз биласиз у узоқдадир.

Видодий

Тўғри, узоқда у, ҳасрати кўпдир,  
Аммо садоқатнинг манзили йўқдир,  
Қани, хабарингиз нимага дор?

І элчи

Бу атрофда йўқдир сизга тенг шоир,  
Гўзал сўзларингиз тиллардан тушмас,  
Тангри кўп кўрмаса сизни элга, бас.

Видодий

Иўқ, йўқ... ҳусни калом Воқифда бордир,  
Ҳар сўзи бир умр ўлмас ёдгордир.  
Белимни букчайтди унинг ҳасрати...

## І элчи

Бизнинг хон хуш кўрар шеърни, санъатни,  
Сизнинг ёнингизга юборди бизни,  
Истайди саройда кўришни сизни.

## Видодий

Нечун?

## І элчи

Хон дедики, Видодий келсин,  
Саройда яшасин, ёнимда қолсин.  
Уйингиз тайёрдир бир боғ ичида,  
Айвониям яшил япроқ ичида,  
Қашшоқлик, кулфатни билмайсиз ҳеч вақт,  
Кучаяр кун сари бойлик ва давлат.  
Сизни вазирликка чақирмоқда хон...

## Видодий

Уғлим, озод қушман,  
бунга йўқ гумон...  
Ҳеч бойлик тенг келмас бизнинг чўллара,  
Кўнглимнинг маскани бу тоғ, бу дара!  
Мендан на шоҳ чиқар, на-да чиқар хон;  
Борсам ҳам хон ўзи бўлар пушаймон.

## II элчи

Ота!

Уйлаб кўринг, бу саодатдир,  
Тарки дунёчилик ёмон одатдир...  
Фурсат дегани-ку қанотли бир қуш,  
Қўлдан учиб кетар, қарасангиз бўш!

## Видодий

*(Бир баҳона билан қутулиб қолиш ниятида.)*

Айтингиз, ҳастаман, йўқдир қувватим,  
Йўқ ўша аввалги, сўзим, суҳбатим...  
Қартайиб қолганман, тез ўтар кунлар,  
Умр карвонимга яқин якунлар...

## И э л ч и

Демак... хон орзуси ошмас амалга?  
Сиздан кутмагандик солишни галга.  
Жоним, бу оч уйдан топгансиз нима?  
Нега фароғатни бой берасиз-а?

## Видодий

Бунда бўлмасаям сарой ҳавоси,  
Яхшидир ҳар қушга тугма уяси.  
Бу юпун бошпанам ўзимга етар,  
Шу ерда ёзилган юз-юзлаб асар

## И э л ч и

Бахтингиздан ўксиб...

## Видодий

Йўқ... асло, шодман,  
Бунда гам-қайгудан, дарддан озодман...

## И э л ч и

Қўй энди, юр кетдик, бу бир телба-ку...

## И э л ч и

Юр, чиндан кулгингни келтиради у.



## Видодий

Кетманг, тунаб қолинг: сизга жой тайёр!

### I элчи

*(Киноя қилиб.)*

Сиқилиб қоласиз, кулбангиз ҳам тор.

## Видодий

Юрак кенг бўлса бас!

### I элчи

Шоир, кўпни кўрган, шаксиз, кўзингиз,  
Хомхаёл экансиз аммо ўзингиз!

### II элчи

Ҳай, саломат бўлинг!

Элчилар кетишади.

## Видодий

Кетинг!

Янглишибди Ганжанинг хони,  
Ўзга бир оламнинг менман меҳмони.  
Бу фоний дунёнинг кайфи, лаззати  
Бир куни яралар кўнгилнинг қатин...  
Кетинг, алдаёлмас мени саройлар!  
Бу ерда ҳамдамим юлдузлар, ойлар,  
Бунда кечаларнинг ажиб саси бор,  
Кўнглимнинг бир нозик камончаси бор...

Муз қўллар тегмасин унга ҳеч маҳал,  
Маним саройимдир юксак амаллар!..

### Т у к а з б о н

Кўнглимдаги гапни топиб айтдингиз;  
Бировга бош эгиб яшабсизми сиз?  
Бундай жавоб берган тил ҳам бор бўлсин,  
Юргни унутганга дунё тор бўлсин!

### В и д о д и й

Туказбон, у сарой қон ўчоғидир,  
Унинг ҳар висоли ҳижрон доғидир.  
Ўйлаб кўр Воқифни, доимо кулган,  
Қадами етган жой қувончга тўлган  
Шоир ҳам қисматдан ёзар шикоят;  
Сабаб?— саройлардир..

Ташқаридан товуш келади.

### В о қ и ф

Борми уй эгаси?!

### Т у к а з б о н

Қаранг, бу бўлмасин Воқифнинг саси?

### В и д о д и й

Топдинг, худди ўзи.

Бир нафар ҳ а м қ и ш л о қ ҳовлиқиб киради.

### Қ и ш л о қ л и к

Видодий, Видодий! Муборак бўлсин,  
Воқиф келаётгир...

Бир гуруҳ ҳамқишлоқлар билан Воқиф киради. Видодий  
Воқифни кўрган замон унга пешвоз чиқади, қучоқлашиб,  
ўпишадилар.

### **Видодий**

**Жоним, жигарим!**  
Иўлингда қолган бу заиф кўзларим  
**Яна нурга тўлди, қара, қандай соз...**  
Азалдан вафо-ла эдинг-ку ҳамроз...

*(Ўтиришади.)*

### **Воқиф**

Гуноҳ мендан ўтди, кечиринг, устод,  
Бу кўнгил бўлмади бир кун сизсиз шод.  
Тушимда кўраман сизни кечалар,  
Сизсиз ҳеч кулмади руҳимга саҳар.

### **Туказбон**

Бўлдими, уятсиз, тўғриси айт,  
Туказбон холангни унутганинг пайт?

### **Воқиф**

**Иўғ-э... сиз мен учун онадан ортиқ,**  
**Қарздорман умримни қилсам-да тортиқ!**

### **Видодий**

Дунёда нима гап? Аҳволинг қандоқ?

### **Воқиф**

Бу дунё ростдан ҳам худди бир жумбоқ!  
Кўрғонга киритмам ғам-рутубатни,

Ичаман дунёда минг хил шарбатни...  
Кундузлар кутади мени саройлар,  
Тунлари сирдошим юлдузлар, ойлар.  
Ҳар гулнинг рангида бир жонли санъат,  
Нақадар покиза, софдир табиат,  
Маним ҳам қалбимда қоя, тоғ, дара,  
Қўнглим гўзалликка бир дарча, қаранг,  
Дунёни кўраман ўшандаи ҳар он,  
Бир бўлак суюқдир севгисиз инсон.

### В и д о д и й

(Таъкид оҳангида.)

Севги бир денгиздир — кўкдан ҳам теран,  
Аста боқ, тинади ундан кўз деган,  
Сўнг бурнинг тегади тўсатдан тошга

### В о қ и ф

Майли...  
Мен йўлдошман қанотли қушга,  
Ҳали бу оламда ҳақим барқарор...  
Завқ олсам ҳар янги чеҳра, кулгудан,  
Кўзларим яйрасин нурдан, ёғдудан.  
Умр бевафодир, бизни тарк этар,  
Яхшию ёмон кун ўтар-да кетар...

### В и д о д и й

Шоир! Ҳеч алданма сим-зар борига,  
Инонма бу дунё эътиборига.  
Яхшилиқ қилгилу савоб йўлни тут,  
Қийналсанг тақдирга тан бер, дардинг ют.  
Сени бу дунёда бўғса жафо, ғам,

Жаннати бўласан охирда, укам,  
Охират дунёси керакдир бизга...

### В о қ и ф

Бу гаплар — бир парда кўзларимизга...  
«Жаҳаннам, жаннат», деб сиз ҳам куйдирманг,  
Устоз, бу гапларнинг бари уйдирма...

### В и д о д и й

Шоирлигинг тутди чамамда жиндек!  
Бўлмаса оллоҳга келтирмасдинг шак?..

### В о қ и ф

Биласизми, устоз, сўзининг тўғриси,  
Истамам бўлишни виждон ўғриси.  
Кўпдир бу дунёнинг гўзалликлари,  
Гоҳо жилва қилган нозли бир пари  
Шахло кўзларини сузгани замон,  
Жаннатга айланар менга бу жаҳон.  
Қўйинг насия гапни, шайхга буюрсин,  
У насия жаннатга улар югурсин,  
«Йўқдан дунё қуриш» ёлгон гап, ёлгон,  
Ҳамма жаннатларни яратар инсон...

### Т у к а з б о н

*(Кулади.)*

Шунақайдинг, Воқиф, болаликда ҳам,  
Шартта гапирардинг ҳатто ўша дам.

### В и д о д и й

Ҳай, майли, не топдинг саройлардан, айт,  
Сенга завқ келарди ёрни кўрган пайт?

## В о қ и ф

Қорабоғда сероб гўзал санамлар,  
Қўз тушса кул бўлар дардлар, аламлар.  
Енимга йўламас на бало, на ғам,  
Елғиз гўзалликдир маккам, мадинам.

## В и д о д и й

Демак, гўзаллар деб унутдинг бизни,  
Унутдинг бу она бешигимизни?

## В о қ и ф

Саройда бўлмасам тизга чиқар қон,  
Элимиз ҳолига йиғлар ер-осмон.  
Хон мендан тортиниб юради бир оз,  
Кетсам авжга чиқар қирғину ос-ос.  
Гоҳида қутуриб, ғазабланса хон,  
Занжиридан маҳкам тортаман шу он.

(Бир неча ҳамқишлоқлар киришади)

## А ҳ м а д о т а

Воқиф, хуш келибсан, об-бо шоввоз-е!

## В о қ и ф

Соғ бўлинг, амаки, дурустми ишлар?

## А ҳ м а д о т а

Нетайлик, зулматда умримиз қишлар,  
Қафтларда бўлсаям турфа қадоқлар

Супрада қолмади ҳатто урвоқ ҳам,  
Қотган-қутган нонни сўрамаёқ қўй.

### В о қ и ф

Биламан буларни, биламан, аттанг...

### А ҳ м а д о т а

Балки ёдингдадир, раҳматли отанг  
Бели букилганди кўтариб кигиз...

### В о қ и ф

Ранжиманг, бу кунлар ўтади шаксиз,  
Нурланиб келмоқда бир ёрқин замон,  
Фақат бардам бўлинг, яшанг, отахон.

### Қ у р б о н о т а

Майли, сен кўзимиз зиёси эдинг,  
Ҳамма йиғинларнинг гўёси эдинг,  
Дилбар шеър ўқирдинг келинга, қизга,  
Наҳотки шуни ҳам кўп кўрдинг бизга?

### В о қ и ф

Йўқ, Қурбон амаки, менга бу олам,  
Бу эллар, далалар гулзор кўринур.  
Кўзим кўзингиздан узоқ бўлсаям,  
Дилларни уловчи йўл бор кўринур.

### Қ у р б о н о т а

Яшавор, болажон, асло бўлма кам!

## **Видодий**

**Туказбон, созларни олиб кел илдам.**

Туказбон икки соз кўтариб киради, Видодий биттасини Воқифга узатади.

## **Видодий**

**Буни тағидингми?**

## **Воқиф**

**Ҳа, менинг торим!**

## **Видодий**

*(Таъкид оҳангида.)*

Ҳалиям сақлайман, дайди шунқорим!  
Уни унутмагин, шоири тушкур,  
Нозик қилларида кўкдан ҳам чуқур  
Бир маъно бордирки, яшартаг бизни,  
Ўша шоир қилган иккаламизни.

## **Воқиф**

Тўғри гап, оғажон, инонинг, ҳамон  
Кўнгил бу созлардан айрилмас бир он.

## **Видодий**

**Кел, шу турналарга бир шеър айтамиз.**

Созлар тилга киради, Видодий билан Воқиф мушоира бошлашади.

## **Видодий**

Қатор-қатор бўлиб, қалқиб ҳавода  
Тўш урибсиз осмонга, турналар!



Уксиб-ўксиб, ғамгин-ғамгин ўтасиз,  
Иўл олдингиз қай маконга, турналар?

### В о қ и ф

Нари кетмай тўхтанг бир зум ҳавода,  
Икки оғиз сўзлай сизга, турналар!  
Қаторлашиб қайси элдан келурсиз,  
Бир хабар берсангиз бизга, турналар!

### В и д о д и й

Қарангиз бу дардман чолнинг ҳолига,  
Арзин ёзсин қалам олиб қўлига,  
Видодий хастадан Бағдод элига  
Сиз етказинг бирор нишон, турналар!

### В о қ и ф

Кўкдан келар сизнинг ёқимли овоз,  
Юрак тозаланиб бўлар сарафроз,  
Воқифнинг кўнгли ҳам қилмоқда парвоз  
Сизнинг ёнингизда суза, турналар.

### А ҳ м а д о т а

Кўп раҳмат,  
кечангиз хайрли бўлсин.

### В о қ и ф

Сиз ҳам омон бўлинг,  
хурсанд қилдингиз.

Қ и н л о қ а ҳ л и Воқиф билан хайрлашиб чиқадилар, Воқиф оқшом  
назокатига шоирона боқиб.

Оҳ, бу оқшом кўп гўзалдир, ундаги маънони кўр,  
Кўкдаги оппоқ булутлар бир-бири-ла қувлашур.  
Коинотнинг поклигига қулоқ осиб узоқдан  
Келин каби хўп безаниб ой ҳам чиқди ётоқдан.  
Мунча порлоқ, мунча ҳарир моҳитобнинг оқ юзи?!  
Энг муқаддас орзуларга бизни ундар кўк қизи.

### В и д о д и й

Хаёл ширин неъматидир бу аччиқ коинотнинг.

### В о қ и ф

Хаёл туғма боласидир, устоз, она ҳаётнинг,  
Унинг кўзи кўр бўлса-да, севиб келар бу она,  
Шўрлик, бадбахт боласидан бўлар доим парвона.

### Т у к а з б о н

Воқиф!

Гапирмайсан ҳеч Алибекдан,  
Хийла замон бўлди, кўрмайман, қалай?

### В о қ и ф

Бўй қўйиб йигитча бўлди, ҳар қалай,  
Шу кунларда тўйин... Мен келдим сизга,  
«Бош бўлишсин,— деди у,— тўйимизга».

### В и д о д и й

Ҳали Алибекнинг тўйи дегин-а?

### В о қ и ф

Ҳа, тўйи бўляпти!

## Видодий

Кетдик, Туказбон,  
Уғил бизники-ку, отлан, Туказбон!

## Туказбон

Сиз чарчаб қоласиз...

## Видодий

Нега?

Воқифни кўрсатиб.

Бу ёшми, ёлғон?!  
«Қанчалар қартаймасин бу хаста Видодий,  
Воқиф киб юз ўғлоннинг беради додин».  
Сиз-ку кимлигимни яхши биласиз.

## Туказбон

Яхши, қўйиб берса хўн мақтанасиз...

## Воқиф

Ҳеч қўрқманг, холажон, мана, баҳордир,  
Қорабоғ ростдан ҳам бир лолазордир:  
Яна ёноқларга қизиллик инар,  
Ҳар тошнинг тагида бир тўй қилинар,  
Бир ёнда тор саси, бир ёнда кулгу,  
Қоялар тўшида сакрайди оҳу,  
Оқар тўлқин отиб, ҳайқириб шўх сой,  
Саждага келади тунда юлдуз, ой.  
Юринг, бизнинг жойлар ёқади сизга.

## Видодий

Юр, хина қўямиз қўлларимизга!  
Бола бизникидир, муборак бўлсин,  
Келининг йўлида гул-чечак унсин!

Хурсанд бўлиб Воқифни бағриларига босишади.

## Парда

### Иккинчи кўриниш

Шуша қалъаси. Хон саройи. Воқифнинг уйи. Тўй мажлиси. Рақс бўлаётганда Иброҳимхон ўз аъёнлари билан кириб келади.  
Ҳамма туриб, хонга таъзим қилади.

### Иброҳимхон

(Хонандаларга)

Ўзга бир завқи бор бугунги тўйнинг,  
Қани, чалинг энди дилрабо куйни!

*Муסיқа чалинади.*

### Хонанда

(Қўшиқ айтади.)

Ҳар чаман, ҳар боғчанинг бир булбули — шайдоси  
бор,

Ҳар тирик қалбнинг, азизим, ишқ деган савдоси  
бор.

Қалби ҳам, рухсори ҳам нозик адо жонон саси,  
Гоҳ кулар, гоҳ йиғлатар — ҳар дамни ўз маъноси бор,  
Жон олар ҳар нағманинг маъноси ёлғиз ишқ эрур,  
Кўз кўриб, қўл тутмаган юлдузли бир дунёси бор.

Сизга айтсам, дўстларим, Воқиф юрар Мажнун бўлиб,  
Шеър у санъат деб аталмиш бир нозанин Лайлоси бор.

### И б р о ҳ и м х о н

Гўзал куй, Воқифни чақиринг, кўрай..  
Уйнасин тўйида куёв — Алибек!

Алибек ўйнайди, Воқиф кириб келади.

### И б р о ҳ и м х о н

Хайрли ишингиз, вазир, муборак!  
Бахтли, фароғатли бўлсин Алибек!  
Бизни унутмасин аммо ҳеч қачон.

### В о қ и ф

Кўрамиз, тескари юрмаса замон...

### И б р о ҳ и м х о н

Яна шикоятми?  
Бўлгил хотиржам,  
Соғ бўлсам, ишратда яшайсан сен ҳам!

Қизиқчи киради.

### Қ и з и қ ч и

Келинингиз бир малак,  
Ҳамма деюр: «Муборак!»  
Бироқ менинг бўш бошим,  
Сизга деяр:— Қардошим:  
Елғиз қимору отга,  
Гўзал қиз — паризодга

Аста-секин ёндошинг,  
Аста-секин ёндошинг.

(Кулги.)

Ташқарида милтиқ отилади, «Урра» товуши ўрлайди, келинни келтирадилар.

Я н г а

Бўлди, мана, қиз — келин,  
Қўл-оёғи тез келин.  
Етти ўғил тилагим,  
Биттагина қиз, келин.

В о қ и ф

Эй қизим, юзингдан кўтар пардани,  
Қўй, очиқ кўринсин ой юзинг, қани!  
Юз очиб яшаган бизнинг оналар,  
Парданинг ҳаммаси кафан саналар.  
Парда гўзалларга не учун керак,  
Жон тутқун бўлганда куларми юрак?  
Қирмиз ёноқларинг ёзнинг лоласи,  
Гулдек дудоқларинг ёқут донаси.  
Жамолинг дунёдир, қучоғинг жаннат,  
Уялсин ҳуснингдан бу кўр шарият!..

Ҳаммада ҳайрат, ҳаяжон, келинни бир хонага олиб кетишади. Шунда елкасида қўзи, Элдор кириб келади.

В о қ и ф

Оҳ, дўстим, хуш келдинг, айти муддао,  
Тоғ ҳавосин туйдим, қани, марҳабо!  
Сиз билан доимо ақлим ва ҳушим,  
Эл ичра кўраман эркинлик қушин.

## Э л д о р

**Муҳтарам шоирга салом, бор бўлсин,  
Умри ҳам дунёдек пойдор бўлсин!**

**И б р о ҳ и м х о н**

*(Атрофдагиларга.)*

**Назарга илмайди бу дайди бизни,  
Тотиб кўрмабди-да қиличимизни...**

**Ш а й х**

*(Хоннинг қулоғига.)*

**Кўзларига қаранг, кўзлари қонли,  
Шу-да рағбатчиси ҳар галаёнининг!**

**И б р о ҳ и м х о н**

**Вазир, етим-есир йигиними бу?**

**В о қ и ф**

**Бу гапни, хон, сиздан ҳеч кутмовдим-ку.**

**И б р о ҳ и м х о н**

**Хўш, нега кутмайсан, ноҳақманми ё?  
Урнини билсин-да чўпону гадо...**

**В о қ и ф**

**Азиз меҳмонимдир, дўстимдир Элдор.**

## И б р о ҳ и м х о н

Хоннинг ҳузурида унга нима бор?

### В о қ и ф

Бу менинг уйимдир, меҳмонсиз сиз ҳам,  
Меҳмон ҳамма ерда азиз, муҳтарам.

## И б р о ҳ и м х о н

Меҳмонмиш, меҳмон-а, меҳмонга қара,  
Қўчадан ким ўтса бошга чиқарар.

### В о қ и ф

Унинг либосидан жирканманг, хоним,  
Қишлоқли бўлсаям покдир виждони.  
Тилидан тушмайди гўзал нақллар;  
Энг буюк юраклар, етук ақллар  
Халқнинг орасида етишар, билинг,  
Номуси, виждони тозадир элининг!

## И б р о ҳ и м х о н

Тўғриси, чарчаб ё зерикмадинг сан  
Доим оёқ тираб халқ-халқ, демакдан.

### Э л д о р

Воқифга.

Жоним, талашма, қўй, кетаман...

### В о қ и ф

Тўхта,  
Бошқа бир хонумон қонга омухта...



## И б р о ҳ и м х о н

Тезагини терсин бориб у яна.

### Э л д о р

Буйруқ сиздан бўлар, муҳтарам оға,  
Бироқ бўлмасайди қашшоқ кентликлар,  
Қутуртирмас эди сизни симу зар...

Э л д о р тўйни ташлаб чиқади. Уни тутмоқчи бўладилар, одамлар  
орасида саросималлик бошланади.

## И б р о ҳ и м х о н

Тез тутинг, бой берманг ғанимат онни,  
Элдор кўриб қўйсин бу тош зиндонни.

*(Воқифга юзланиб.)*

Тўғриси, буларни қутуртирдинг сан,  
Балки ўзингдирсан унга тил берган?

### В о қ и ф

Афсус, янглишдингиз, унга тил берган,  
Кўзига нур берган, тоза дил берган  
Шу қишлоқ аҳлидир, балли қишлоқ, хон,  
Баъзан тангригаям ишонмас инсон...

## И б р о ҳ и м х о н

*(Шиддат билан чиқар экан.)*

Яхши, гаплашармиз...

Тўй аҳли тарқай бошлади. у ёқ-бу ёққа юради, Видодий ҳайратда.

### В о қ и ф

Шу-да ҳақи салом, туз ҳақи шу-да,  
Бу оғир дард дилни эзади жуда.  
Хонни илон дерлар, саройдир ини,  
Заҳармиш саройнинг ҳатто эпкини.

### В и д о д и й

Воқиф, жавоб бергил эртага кетай,  
Ўз ғариб кулбамни зиёрат этай.  
Ундадир дунёнинг завқи, лаззати,  
Сен ҳам от елкангдан бундай миннатни,  
Қишлоққа қайтгил!

### В о қ и ф

Йўқ, йўқ, қайтмам,  
Иш бундай тус олди, майдондан кетмам.

### В и д о д и й

Ташла ўжарликни, менга қулоқ ос!

### В о қ и ф

Бир бошга бир ўлим, ўлай мардга хос.

### В и д о д и й

Сен ўз билганингдан қолмайсан, укам,  
Бас, ёлғиз қолдириб кетмайман мен ҳам.

### А л и б е к

(Қиради.)

Ота, қамадилар шўрлик Элдорни!

## В о қ и ф

*(Мағноли қараб.)*

Инсон парчалайди зиндонни, дорни!  
Қишансиз, зиндонсиз кунлар келажак,  
Бизга юпанч берар буюк келажак!..

## А л и б е к

**Хўш, Элдор нетади?**

## В о қ и ф

Ҳеч нарса, зинҳор —  
Қайгурма, қутулиб кетади мен бор.

*(Воқиф қўлини ўғлининг кифтига ташлайди.)*

Уғлим, қутлуғ тўйинг муборак бўлсин,  
Дунёда роҳат кўр, иқболнинг кулсин!  
Маним ҳам юрагим ҳали навқирон,  
Умр ўта берар, шунақа замон.

## В и д о д и й

Ақлли бола у, худо сақласин.

## В о қ и ф

Кўнглимда дунёнинг талай сири бор,  
Оҳ, уни ҳис этган қандай бахтиёр...  
Дарёда чарх урган ғозлар, оққувлар,  
Чўлларнинг гўзали, эй сиз оҳулар,  
Бахтим борми, айтинг?..

*(Қизиқчи эшикдан бурнини кўрсатади.)*

## Қ и з и қ ч и

Кўп курашиб, кўп ёнмагин,  
Гўдак каби ишонмагин  
Бу дунёнинг сафосига,  
Саройларнинг вафосига.

*Кетади.*

## В о қ и ф

Бу доно қизиқчи ҳақлидир бешак,  
Нима гап, тинчимас сийнамда юрак...

Х и р о м о н киради.

## Х и р о м о н

Дадаси, не бўлди, ранжиб кетди хон?

## В о қ и ф

Ўзиям беодоб, кўпол-да ёмон.

*(Чиқади.)*

## Х и р о м о н

Элнинг оғасийди аввалги эрим,  
Бор эди ўз уйим, ўз боғим, ерим.  
Навкарлар эшикда тайёр турарди,  
Уйимда ҳар куни йиғин бўларди..  
Буниям «каттакон вазир» дедилар,  
Сира ўз ҳолимга қўймас эдилар.  
Инондим, дедимки ўйлаб нетаман,  
Шуни йўлдош билиб бирга кетаман.  
Хонга қарам экан буям, қарангки,  
Гоҳ лойқа сув каби бўзарар ранги.

Гоҳо ғам тўкилар қош-қовоғидан,  
Аммо хуш одобин мен адоғиман,  
Шоир-да, тўғри сўз, нияти тоза,  
Ширин нафаслиги элда овоза...  
Бу гаплар кўнглимни этолмайди ёз...

В о қ и ф киради.

В о қ и ф

Уйланиб қолибсан яна, сарвиноз,  
Тинчликми, қўнибди, эй нозли нигор,  
Ойдек жамолингга ташвишдан ғубор?!  
...

Х и р о м о н

Нега, ҳеч ғамим йўқ, худога шукур!  
Ҳар ёнда кўраман яхшилик, шуур...

В о қ и ф

Йўқ. Тўхта... сасингда ажиб титраш бор,  
Қўй, мenden яширма, дардинг қил ошкор.

Х и р о м о н

Ҳеч гап йўқ... негадир дил жиндак хира.

В о қ и ф

Бу гапинг бўлмади, алдама сира!  
Ғунча лабларингга ярашмас ёлгон.

Х и р о м о н

Яна нима десин бахтсиз Хиромон?

**В о қ и ф**

Мана... шундан гапир... ўзингни, қани,  
Қандай тилинг борди бахтсиз дегани?

**Х и р о м о н**

Дейдиларки сени...

**В о қ и ф**

Янги гапми, хўш?..

**Х и р о м о н**

Тўғриси, билмайман...

**В о қ и ф**

Гапир!

**Х и р о м о н**

Кўп ноҳуш...  
Сени вазирликдан ҳайдар эмиш хон!

**В о қ и ф**

Эҳ-ҳа, бу гапмиди?

**Х и р о м о н**

Шу гап.

**В о қ и ф**

Хиромон!  
Жонгинам, нимани ўйлайсан, қара!

Мен бунда — тутқун қуш, кўксим минг яра.  
На сенга хуш ёққан бу сарой тўри,  
На у вужудидан қон томган бўри  
Бу тарлон кўнглимни овута билмас,  
Дардинг шундай бўлса, ишинг чаккимас.

Х и р о м о н

Гар сени, гар сени...

В о қ и ф

Хўш?.. Ҳайдасин хон..

Х и р о м о н

Гадойдек борамиз қайси юрт томон?

В о қ и ф

Бизга қаҳат бўлмас ахир парча нон,  
Қўрқма, бахтсизман, деб қайғурма асло —  
Қошқийди кўрмасам бу саройни, о...  
Янглишдим, азизам, алданиб қолдим,  
Бошқайди аслида менинг илк онтим.

Х и р о м о н

Шундай ширин-ширин хаёлларинг бор.  
(Бошқа хонага ўтади.)

В о қ и ф

Сарроф кўзи каби ўткирдир кўзим,  
Узимнинг ишимдан ҳайронман ўзим.

Кўнглимни тўлдирмас сира, Хиромон,  
Бошқача ўстирган уни бу замон.  
Кўринар бу хотин шуҳрат, молга ўч!  
Эҳ, мансаб, эҳ, шуҳрат, бўлмасайдинг ҳеч.

П а р д а



## ИККИНЧИ ПАРДА

### Учинчи кўриниш

Хон саройи. Иброҳимхон ичкарида—ўз ётоғида дам олмоқда.

#### Қизиқчи

Азизим, Иброҳимхон,  
Еқанг, мана, битга кон!  
Оёғингни хўп узат,  
Маза қилиб хуррак от!  
Қўшин тортибди Қожар,  
Аскарлар бурғу чалар.  
Сен ҳобингни бузма, қот,  
Яхши ухла, яхши ёт!..  
Оқа берсин эл қони,  
Бошингга торт кўрпани.  
Шоҳлар бизни бўғса ҳам,  
Сигир қилиб соғса ҳам,  
Сен ҳобингни бузма, қот,  
Яхши ухла, яхши ёт!..

#### Иброҳимхон

*(Уйқудан ташивишли туради.)*

У ёндан Туркия, бу ёндан Эрон,  
Бу ёқдан Русия юборар фармон...

Тупроққа қорсалар шуҳрат, молимни,  
Қолмади ўйловчи маним ҳолимни.  
Кўнгил узолмайман тожу тахтимдан,  
Кентлар ҳам тўлғанар, ёнар бахтимдан...  
Ҳаддидан ошмоқда ўғри, қочоқлар,  
Тоққа ин қурмоқда ҳамма олчоқлар,  
Нетсам?..

Аъёнлар, амалдорлар, шайхлар киришади.

**Ш а й х**

Хоним, кўринасиз не учун хомуш?

**И б р о ҳ и м х о н**

Ё шайх, таъбирин айт, не бўлди бу туш?!  
Ҳобимда даҳшатли ҳодиса кўрдим.

**Ш а й х**

Лутфан айтиб беринг, нима кўрдингиз?..

**И б р о ҳ и м х о н**

Улоқ майдонимиз бўлганмиш денгиз,  
Шунақа денгизки, бус-бутун қонмиш,  
Унинг тўрт тарафи қора туманмиш.

**Ш а й х**

Сўнгра?

**И б р о ҳ и м х о н**

Сузар эмиш унда кемалар,  
Кемалар ҳалқаси сиқилиб келар,  
Тўрт ёндан ўрашди мени бир замон.

## Ш а й х

Кейин-чи?

### И б р о ҳ и м х о н

Биттаси ёндашиб келдию шу он,  
Устимга занжирли арғамчи отди.  
Арғамчиси қурсин, бўғзимга ботди,  
Тортқилаб кетишди, бир вақт қарасам,  
Қайиқда турарди қочқин Элдор ҳам.

## Ш а й х

Уша муттаҳамми?

### И б р о ҳ и м х о н

Ҳа, худди ўзи —  
Ғазабдан ўт бўлиб ёнарди кўзи.  
У мани денгизга босиб, деди:— Хон,  
Тўйгунча ич, булар ўзинг тўккан қон!

## Ш а й х

*(Тилёғламалик қилиб.)*

Ҳа... Ҳа... ғам еманг ҳеч, одил ҳукмдор!  
Сизни нима қилолсин у қочқин Элдор?  
Тушингиз — даҳшатли, бироқ бехатар,  
Денгиз ёруғликдир, қон — қовушиш, ҳа...

### Қ и з и қ ч и

Шайхнинг каломи хушдир,  
Маним фикримча бўшдир.

(Қочади.)

В о қ и ф

(Қиради. Хонга мактубни узатади.)

Бу — Қожарга ёзган жавобим, олинг!  
Элчилар кутмоқда, тез йўлга солинг.

И б р о ҳ и м х о н

Вазир!

В о қ и ф

Эшитаман!

И б р о ҳ и м х о н

Бузилди замон,  
Кўнглимга сиғмайди бутун хонумон.

В о қ и ф

Дедимки, мен сизга такрор ва такрор,  
Бу оғир зулмнинг қайтмоғи ҳам бор.  
Бу дунё бўш эмас, бордир қонуни,  
Элни менсимаган ахир бир куни  
Албатта, панд ейди...

И б р о ҳ и м х о н

Панд ейди... мана...  
Хайрли сўз чиқмас тилингдан яна.

## Воқиф

(Шайхга ишора қилиб.)

Чунки сўзларимда тўғрилиқ бордир,  
Елгончи — найрангбоз, ўғри, маккордир.  
Гафлатда қўймасин сизни бу тушлар,  
Ҳужумга шай турар Муҳаммад Қожар.

## Иброҳимхон

(Воқиф ёзган жавобни ўқиб.)

Гоят соз, ҳар сўзинг ўткир бир ханжар,  
Қожарнинг бағрини шаксиз парчалар.  
Демак, қудратимга бу хат кафилдир?

## Воқиф

Зулмни бас қилинг, элим — баҳодир.  
Ҳеч нарса тенг келмас асли ҳаётга,  
Ҳаётнинг қадрини туширманг асло.  
Бу дунё бир куни қўяр уятга  
Узига чап бериб юрганларни, ҳа!

## Шайх

(Қиноя билан.)

Балли, дарс олмоқда бизнинг буюк хон,  
Бунинг ҳақимнамо нутқидан ҳамон.

## Воқиф

Яхшиси, тил чайнаб, кўп уринма сан,  
Ақл ўрганмайман чирик тўнгақдан.

## И б р о ҳ и м х о н

Вазир!

Қўй бу гапни, йўқ ҳозир фурсат,  
Вазият кўп оғир, менга йўл кўрсат.

### В о қ и ф

Элда жон қўймади оғир ўлпонлар,  
Ушбу қонунлардан кечмасангиз гар  
Ҳатто ўз болангиз сизга ёт бўлар,  
Кулингиз бир куни кўкка соврилар.

### Ш а й х

*(Яна тилёғламалик билан.)*

Яшавор, яшавор, хўп севар сизни,  
Тарқатинг, улашинг хазинангизни,  
Эҳтимол тўяр бу очларнинг кўзи...

### В о қ и ф

Ички аҳволимиз шунақа ўзи,  
Халқ рози бўлмаса бир ҳукмдордан,  
Замон жой тайинлар у зотга дордан.

## И б р о ҳ и м х о н

Дуруст,

солиқларни оз-оз қисқартсак  
Ишлар юришарми?

### В о қ и ф

Бу етмас бешак!  
Манимча, бугундан эътиборан, хон,  
Виждон эркинлиги олсин ҳар инсон.

## И б р о ҳ и м х о н

У недир?

### В о қ и ф

Кўрдек яшамасин ҳар қандай одам,  
Ёрсин жаҳолатни, ёришсин олам!  
Очилсин ҳар ерда мактаб, мадраса,  
Болалар ўқисин, яйрасин роса.  
Тоғларнинг бағрига қурилсин йўллар,  
Йўл бўйлаб мавж урсин анвойи гуллар,  
Нағмалар таралсин юртимда доим,  
Кексайган чоғимда кўрай илойим.

### Ш а й х

Бундан, хўш, қандай наф?

### В о қ и ф

Тушунмайсан боз...  
Ташла бу саллани, сенсан қўтир ғоз.

### Ш а й х

Илм гуноҳ эрур, тўғри йўл — ислом,—  
Деганлар пайғамбар алайҳуссалом.

### В о қ и ф

Жим бўл, ниятинг ҳам, қалбинг ҳам қора,  
Сен — башар кўксида тузалмас яра.

### Ш а й х

Сен очиб берасан халқ кўзин бизга,  
Сўнг қулоқ солмайди у амримизга.

## И б р о ҳ и м х о н

Шайх тўғри гапирди!  
Кўр бўлсин улар,  
Қўзи очилганлар ҳақ талаб қилар.

## В о қ и ф

Сиз кўр сақлаган халқ кўзғолгани он,  
Бўғзингизга қаттиқ ёпишади, хон...

Хон Воқифнинг қўлидаги ҳассани кўриб қолади.

## И б р о ҳ и м х о н

Вазир, қўлингдаги қанақа асо?..

## В о қ и ф

Русия подшоҳи, машҳур зулмкор —  
Екатринадан совғаи ёдгор!

## И б р о ҳ и м х о н

Ҳай...

Айт-чи, сен қайда, Русия қайда?  
Еки кофирларга тегарми фойданг?

## В о қ и ф

*Ҳассани кўрсатиб.*

Буни ясаган зот — бирор санъаткор,  
Мени санъаткорга зўр ҳурматим бор.

## И б р о ҳ и м х о н

Екатринами сенга юборган?



## В о қ и ф

Ундан жирканаман, инонинг, бор гап!  
Униям бўғади бир кун исёнлар,  
Озодлик йўлида тўкилган қонлар...

## Ш а й х

Русларми, русларми? Уша малъунлар?

## В о қ и ф

Дин бўлак, тил айри бўлсаям улар  
Ахир бешигидир маданиятнинг,  
Эъозлар, қадрлар шеърни, санъатни.

## Ш а й х

(Хонни қизиштириб.)

Муқаддас динни бу хўрлади, эвоҳ,  
Бу динсизни, тангрим, ўзинг эт огоҳ.

## О в о з л а р

Турқини кўр! Алданган!  
Малъун, виждонсиз!

## Ш а й х

Сотилган...

## О в о з

Бурди йўқ...

## Ш а й х

Кофир, имонсиз!

## В о қ и ф

(Жаҳл билан.)

Тўхтанг, мен эмасман Ватан хоини,  
Кўрдим набиларнинг фақир, бойини.  
Минг йилким бош эгдик ёлғиз қуръонга,  
Кўр каби тикилдик ўшал томонга.  
Бошқа китобларни кўрмадик зинҳор,  
Китобсиз умрнинг на маъноси бор?  
Бўғилди ҳар доим бизнинг ихтиёр,  
Кўрсин авлодимиз дунёда не бор.

## И б р о ҳ и м х о н

Маним шуҳратим-чи?  
Тангри-чи, хўш, дин?

## В о қ и ф

Мен — тоза қалбларнинг ошиғи, билинг.

## И б р о ҳ и м х о н

Демак, сотилгансан у шайтонларга?!

## В о қ и ф

Тарих жавоб берар бу бўҳтонларга...

## И б р о ҳ и м х о н

Бир вақтлар мақтардинг менга Элдорни,  
Қочқинлар тутганмиш, тоғ, дара, ғорни.  
Энди-чи, русларнинг тарафдорисан,  
Сен элнинг дўстисан, элнинг ёрисан.

**В о қ и ф**  
Дунё яралмаган мисли оний сас,  
Қуёш зулмат ичра бир умр қолмас...

(Чиқади.)  
**Ш а й х**  
(Хонга)

**Хоним, бундан олинг ўзгача қасос!**

**И б р о ҳ и м х о н**

**Сўзланг, қандай қилиб?**

**Ш а й х**

**Хиромон, кўп мос!**  
**Босинг бағрингизга у сарвинозни,**  
**Ҳа, синсин Воқифнинг куй, илҳом сози.**

**И л ё с** киради.

**И б р о ҳ и м х о н**

**Ҳа, Илёс, келдингми?**  
**Қандай гаплар бор?**

**И л ё с**

**Сирини бермоқда у гафлат Элдор,**  
**Жўйни ўзгартирар ўзиям бетин,**  
**Элни йўлдан урар кун сари, лекин**  
**Кўпайиб кетибди роса қочоқлар,**  
**Тор келиб қолибди ўрмонлар, тоғлар.**

**И б р о ҳ и м х о н**

**Ўлдирмай келдингми хулласи калом?**

И л ё с

Тўғриси, даҳшатли Элдор деган ном...  
Қишлоқда ҳурмати жудаям баланд,  
Мақол бор «Қочқинни эл сақлар» деган,  
Боболар давридан, ҳа, шундай экан.

И б р о ҳ и м х о н

Унинг уясига яқин кентларни  
Ёндирсак-чи агар?..

И л ё с

Йўқ бўлар абас!

*(Кўкрагига муштлаб.)*

Қулингиз бу ишга киришдими, бас.

И б р о ҳ и м х о н

Жуда соз, режангни гапир, эшитай?!

И л ё с

Уларга қўшилгум яқинда атай.

И б р о ҳ и м х о н

Қандай? Нима дединг?

И л ё с

Шу — тўғри йўли,  
Қочқинни маҳв этар хиёнат қўли.

Дейманки: «Мени ҳам осмоқчийди хон,  
Дор тагидан қочиб сақлаб қолдим жон».  
Ишонар...

У билан бирга қоламан,  
Кўнгилдаги ўчни сўнгра билиб оламан.

**И б р о ҳ и м х о н**

Қани, қандай қилиб?

**И л ё с**

Бу ёғи осон,  
Пинжиги кираман аввал бегумон,  
Ишончин қозонсам топиб бир йўлин,  
Сўнг бўлиб оламан унинг ўнг қўли.  
Кўнглини топаман сўнгра бир кўни,  
Кечаси уйқуда ётганда уни  
Бир ўқ-ла боплайман, қиламан гумдон,  
Сўнг қочиб келаман, хулласи калом.

**И б р о ҳ и м х о н**

*(Кула-кула.)*

Офарин, офарин, Илёс паҳлавон!  
Сўнгра ўн қишлоқни оласан, инон!  
Ҳа, ҳоким бўласан, қулоқ сол гапга,  
Отингни елдириб, ҳей, ўннга-чапга...  
Оқиб кела берар текин бойликлар,  
Сира қашшоқликдан кўрмайсан асар.

**И л ё с**

Қам бўлманг, улуғ хон!

## И б р о ҳ и м х о н

Майли, энди кет,  
Берган шу ваъданга бориб амал эт.

## И л ё с

Албатта, албатта, ташвишланманг, хон,  
Тўримдан қутулмас Элдор ҳеч қачон.

(Кетади.)

## И б р о ҳ и м х о н

(Шайхга қараб )

Сен-чи, Хиромонга ишлат бир тадбир,  
Воқифга бўлсин у каттакон таъзир.

(Чиқади.)

## Ш а й х

(Қувониб.)

Хурсанд бўлгин, Шайх Али,  
Бахтингга кун туғади...  
Воқифни солдинг тўрга,  
Жиловин олдинг қўлга.  
Энди хонни кўндирсанг,  
Вазирликни ундирсанг,  
На дардинг бор, на гаминг,  
Сарой бўлар масканинг.  
Қизлар кўзин сузалар,

Ҳамма ишинг тузалар...  
Хурсанд бўлгин, Шайх Али,  
Бахтингга кун туғади..

*(Уйнаб-ўйнаб кета бошлайди.)*

**Қ и з и қ ч и**

*(Шайхнинг ортидан.)*

Хурсанд бўлгин, Шайх Али,  
Бахтингга кун туғади...

**Ш а й х**

Туф сенга!

*(Кетади.)*

**Қ и з и қ ч и**

*(Шайхнинг орқасидан.)*

Қорни катта, боши хум,  
Қўли эгри, дили шум.

*(Қизиқчи ғамгин бир кайфиятда Воқифни эслайди.)*

Нима кўрдинг, айт, жон Воқиф,  
Шафқатсиздир замон, Воқиф!  
Мен дедим-ку, мунча ёнма,  
Гўдак мисол сан ишонма  
Бу дунёнинг сафосига,  
Саройларнинг вафосига...

**П а р д а**

## Тўртинчи кўриниш

Сарой, Воқифнинг уйи. Гулнор дасталанган бинафша кўтариб қизлар даврасида киради.

### Гулнор

Бизнинг қалин ўрмонлар,  
Гунафша, гулга конлар!  
Кўзимдан йўқолса гар  
Ё кўринмай қолса гар,  
Урмонимни қўмсайман.  
Қоя, сойдан ўтгайман...  
Улар мунча хушқаво,  
Дараси тубсиздир, о...  
Эҳ, яшашнинг тоғи бор,  
Гўзал, ширин оти бор  
Ҳар унгиру ҳар қирни,  
Қушлар боғлар кўнгилни...  
Эсма, шамол, тургил тек,  
Овга кетган Алибек.  
У манам севгилимдир,  
Ширин сухан тилимдир.  
Милтиғини ел эгса,  
Оёғига тош тегса,  
Юрагимга ўқ ботар,  
Отда у елиб ўтар.  
Уқа таққан чопони,  
Жилмайиб турган они,  
От белида қалқиши,  
Тарлон мисол боқиши,  
Олис жойларда ҳатто  
Отишлари беҳато.  
Кўчиб юрар тилларда,  
Достон бўлиб элларда.





Худо кўрсатмасин кулфату доғни,  
Қани, қизим, айт-чи, ўзинг қалайсан?

### Гулнор

Узимми?

Яхшиман, нега сўрайсиз?

Алибек қуш мисол асрайди мани,  
Қишлоқдан қидириб топдим,— дер,— сани.  
Кўзингда порлайди қайноқ булоқлар,  
Юрак ҳис этганин хотира сақлар.

### Амина

Ҳазил деб ўйлама, шоирнинг ўғли,  
Кўкси гапга тўла, сийнаси чўғли.

### Гулнор

Тўғри гапирдингиз, шунақа, ойи,  
Гоҳ шоир бўлишга туғилар мойил,  
Билсангиз кўксимда қанчалаб сўз бор?

### Амина

Йўқ болам, тинч ўтир, минг эгри кўз бор,  
Хавотир оламан, кўз тегар сенга!

Воқиф билан Видодий кирадилар.

### Воқиф

Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Амина сингил!

### Амина

Тангри кўрсатмасин ташвиш-ғам ҳеч бир!

## **В о қ и ф**

*(Гулнорни бағрига босиб)*

**Билмайсиз, кўп шайтон бола-да Гулнор,  
Маним кўп ақлли, зўр келиним бор.**

## **В и д о д и й**

**Ҳа, Гулнор ақлли, ажойиб қиз-а,  
Асли, онамизнинг сути покиза.**

## **В о қ и ф**

**Ўтиринг, Алибек келади ҳозир.**

**В о қ и ф** ва **В и д о д и й** чап томондаги хонага киришади.

## **Г у л н о р**

**Кўрдингиз, ойижон?  
Қайнатам қанчалик менга меҳрибон,  
Шунақа ота у...**

## **А м и н а**

**Яхши-да болам!**

**Милтиқ** ва бир нечта қирғовул кўтариб **А л и б е к** киради.

## **А л и б е к**

**Амина хола!**

*(Амина билан Алибек кўришадилар.)*

**Майли, хола, кўрайлик, ҳа,  
Кузатайлик, қачонгача**

Биздан бўлак, узоқда сиз  
Тураркинсиз якка-ёлғиз?

А м и н а

Иўғ-е, сиздан бўлак нега?..

А л и б е к

Қулоқ беринг, хола, менга:  
Қишлоқда-ю, ёлғизсиз, рост,  
Кўп тортасиз заҳмат, холос.  
Кўчиб келинг энди бизга,  
Бошлиқ бўлинг уйимизга.

Г у л н о р

Ойи, қурбон бўлай сизга,  
Кўчиб келинг уйимизга?

А м и н а

Яхши кунлар кўринглар хўп,  
Даври даврон сурунглар хўп.  
Бошингиздан бир тук ҳатто  
Бўлмасин ҳеч, болам, хато.

Г у л н о р

Кўчасизми?

А м и н а

Иўқ, қизгинам!  
Давр-даврон роса сурдим,  
Қизимнинг ҳам тўйин кўрдим.

Энди дунё — менга бир сас,  
Куним ўтиб турса, шу бас.  
Айтсам сизга тўғри сўзни,  
Хўп ўрганган кўнглим, кўзим  
Ота мерос еримизга,  
Қишлоқ яхши, болам, бизга.

**А л и б е к**

Гулнор, қирғовулни тозалаб дарров,  
Холамга яхшилаб дамлагин палов.

**А м и н а**

*(Хуржундан бир жуфт пайпоқ олади.)*

Қиш қаттиқ келармиш, ўғлим, бу йили;  
Шу икки пайпоқни сенга атадим,  
Биласан, қишлоқнинг бор-йўғи шулар.

**А л и б е к**

Раҳмат, омон бўлинг, Амина хола!

**А м и н а**

Яхши кунларга кий, меҳрибон болам!

**А л и б е к**

Юринг, уйга кириб дам олинг, она.

*(Ҳар учаласи ўнгдаги хонага киришади. Воқиф кўринади.)*

**В о қ и ф**

Алибек, ҳов Али!

Алибек чиқади.

Алибек

Лаббай, отажон?!

Воқиф

Чўлда нима гап?

Алибек

Кўрдим, Элдорни,  
Ёнига тўплаб у минглаб шунқорни  
Тоғларни тутибди Гўрўғли каби.  
Мени кўрар-кўрмас яйради қалби,  
Отанга салом айт, мен борман, деди,  
Унинг кўмагидан хушқолман, деди,  
Яхшилик бўйнимда қарз бўлиб қолмас.

Воқиф

*(Паришон бир вазиятга тушади.)*

Шўрликни қувлашди чўл-биёбонга,  
Дунё назаримда ўхшар зиндонга...

*(Уғлига.)*

Сен, инсон фарзандин толенга боқ!  
Унга мусибатдир Ерда яшамоқ.  
Лекин ажралмайди дунёдан юрак,  
Ёқимли ҳид сочган ҳар гул, ҳар чечак  
Кўк сари интилган — бу қалби тоғлар,  
Тоғлар кўксигаги зилол булоқлар,  
Ҳар яшил манзара, ҳар сариқ сунбул,

Гулларнинг бошида чарх урган булбул,  
Элимиз элати, элимиз ранги,  
Қўйчивон найиннинг ажиб оҳанги  
Яшашга ундайди ҳамма вақт бизни,  
Яратар, яшатар ҳар нағмамизни...  
Углим, чуқур ўйлаб, ҳис этган сари,  
Шафқатсиз зулмнинг дор, занжирларин  
Тагида бир ёрқин истиқбол унар,  
Ўлсин келажакка ишонмаганлар.

### Видодий

Яна тилга кирди қалбингдаги соз...  
Юринглар, тоғ бағрин кезамиз бир оз.

Воқиф, Видодий ва Алибек чиқадилар. Хиромон  
киради.

### Хиромон

Тунда ҳам ўй, кундуз ҳам ўй,  
На том солар, на қураар уй.  
Ана ёзар, мана ёзар,  
Ёзиш билан кун ўтказар.  
Мен шўрликка қарамайди,  
Кўнглимни ҳеч сўрамайди.  
Эҳ... ҳаммасин уйи ёнсин,  
Кўзларига ўт қалансин.  
Бўлар эди ширин сўзи  
Ўпар эди юзим-кўзим.  
Шу ҳам энди эсдан чиқди,  
Мени тирик ўтга тиқди.  
Кундуз елар, оқшом елар,  
На кўзига уйқу келар,  
Хаёл сураар оғир-оғир,  
Қовоғидан қор ҳам ёғур,  
Кунни ўтар ёна-ёна,

Е бўлдим у девона?..  
Билолмайман на дарди бор,  
Умрим ўтар шундай бекор.

К а м п и р киради.

К а м п и р

Мунча ширин келинчаксан,  
Қўл тегмаган бир чечаксан.  
Кўзлар ёнар ёноғингдан,  
Сенинг бу гул дудоғингдан..  
Мунча ширин ўйинг сенинг,  
Сарвга ўхшар бўйинг сенинг.  
Сен хонларнинг насибаси.

Х и р о м о н

Айт-чи, она, нима гап бор,  
Мени мақтаб қолдинг такрор?..

К а м п и р

Қалам каби қошларинг бор,  
Қулоч-қулоч сочларинг бор,  
Оғзинг худди хандонписта,  
Ҳар бир ишга мен-да уста.

Х и р о м о н

Вой, жинними кампир ўзи?..

К а м п и р

Ўзинг кимнинг шан юлдузи?  
Кўз тиндирар холинг ҳам бор.



Кўҳлик қилган парвардигор.  
Олов каби ёноқларинг,  
Бол кабидир дудоқларинг,  
Сен хонларнинг насибаси.

### Х и р о м о н

Қани, кампир, гапир не гап,  
Мақсадинг айт, кўрай ўйлаб.

### К а м п и р

Ҳеч шошилма, эрка қўзим,  
Асал қизим, гўзал қизим,  
Кекса жоним сенга қурбон,  
Хайрли гап келтирдим, жон,  
Хоннинг кўзи сенга тушган,  
Дема буни яна бўш гап...

### Х и р о м о н

Нима экан хоннинг сўзи?

### К а м п и р

Муддаоси гапнинг ўзи:  
Хўп гўзалсан, саз келинчак.  
Кийгин атлас, кийгин ипак,  
Бўйнингга тақ инжу, маржон,  
Хонга бўлгил эрка жонон!  
Остонагда қул, хизматкор,  
Не истасанг бўлар тайёр.  
Тунда киргин хон қўйнига,  
Қўлларингни сол бўйнига,  
Уйнаб қолгин, эрка қўзим,  
Еруғ кунга чиқгил, қизим.

## Х и р о м о н

Нима дейди, қизиқ, қари!  
Ростданмикан булар бари?..

## К а м п и р

Хон деганда, хонмисан хон,  
Шоп мўйловли, кўкси осмон.  
Рустами Зол бир чумчуқдир,  
Бу хон эмас, бир паҳлавон.

## Х и р о м о н

Бўлди, кампир, бўлди, кампир,  
Бу гапларни бас қилгин бир.  
Уф, сиқилиб кетди юрак...

## К а м п и р

Ҳеч сиқилма, яшна, чечак,  
Қимирлаб тур зийрак бўлиб,  
Хоннинг ўзи парваришлар,  
Очиласан гулдай тўлиб.

## Х и р о м о н

Худога хуш келмас бу гап,  
Воқиф мендан...

Ш а й х киради.

## Ш а й х

Қараб тур, қараб...  
Йўқ, қўрқиб ўтирма, қизим, Хиромон,

Сендан рози бўлар Холиқи субҳон..  
Тўғри, ҳали ёшсан... ўйлаб кўр бирпас,  
Хоннинг хоҳишига зид юриб бўлмас.  
Унинг тутган йўли оллоҳ йўлидир,  
Барча бу бандалар хоннинг қулидир.

Гулнор келиб қолади, у остонада туриб қулоқ солади.

Доим ёдингда тут гўзал жаннатни,  
Билки жаҳаннамнинг ҳар азияти  
Сендан узоқ бўлар... Кабутар қизим!  
Измингда парилар, малаклар турар,  
Сени қанотида ўйнатиб юрар.  
Йўқ эса Азроил тикар кўзини,  
Қайтариб бўларми хоннинг сўзини?  
Розисан?

К а м п и р

Розисан?

Ш а й х

Розисан?

К а м п и р

Бўл, гапир!  
Бу тўти тилингни эшитайлик бир.

Ш а й х

Тез бўл, тез жавоб бер!

Х и р о м о н

*(Оғир бир аҳволда, қийналиб.)*

Розиман... бироқ...

## Ш а й х

Биламан, Воқифми, йўқ бўлар мутлоқ!  
Ҳеч хатар бўлмайди, қизим, ҳолиннга,  
Уни ҳеч келтирма сен хаёлиннга,  
Хўп, саломат бўлгин!

К а м п и р билан Ш а й х кетишади.

## Х и р о м о н

Нима қилиб қўйдим?.. Эмасдим-ку ёт,  
Уҳ... қандай айланди бу тилим, ҳайҳот!  
Энди нима дейди қўни-қўшнилари,  
Воқиф кулфатига кулфат қўшдим-а...

Гулнор кириб, Хиромонга тикилади, ўзини тутолмайди.

## Г ул н о р

Ҳа, хоним, муборак!

## Х и р о м о н

Нима?

## Г ул н о р

Шарманда!

Бу иш иснодмасми, айт, наслимизга,  
Энди нима деркин элу юрт бизга?

Воқиф, Видодий, Алибек киришади. Гулнор ва Хиромонга  
ҳайратли қарашади.

## В о қ и ф

Нима гап? Буларга не бўлди ўзи?

**Алибек**

Ишонмай турибман кўзимга ўзим.

**Гулнор**

Отажон!

**Воқиф**

Нима гап, не бўлди санга,  
Қийналма, дардингни сўзла отангга.

Гулнор йиғлайди, Хиромон бир хонага қочиб киради.

**Алибек**

Гулнор, сўзла тезроқ!

**Гулнор**

Нима дей?

*(Йиғлайди.)*

**Воқиф**

Гулнор!

Айт, қизим, эштай, нима гапинг бор?

**Гулнор**

*(Энтикиб-энтикиб.)*

Ҳозир шу ердайди Шайх билан кампир,  
Гапларин бекиниб эшитдим бир-бир.

Видодий бошқа хонага киради.

Воқиф

(Уғлига.)

Эшит... бир иш бор...

Алибек

Айта бер, Гулнор!

Гулнор

Улар Хиромонга такрор ва такрор  
Дейишди: «Сени хўп севиб қолган хон,  
Кел, унга хотин бўл!»

Воқиф

Хўш, хўш, Хиромон?

Гулнор

Хиромон дедик...

Алибек

Не деди у, айт?

Воқиф

Яширма... яширма... тўғрисини айт.

Гулнор

У деди, розиман, бораман хонга.

Алибек Гулнорни бир хонага олиб киради.

### Воқиф

(*Хаёл оғушида.*)

Ҳа, ҳа, ҳалол бўлсин бу Хиромонга!  
Яна кўзларимга ҳаво қораяр,  
Яна тоғ бошига туман, қор инар...  
Шу тарзда осилар дорга гурурим,  
Сигмас саройларга қалбим, шуурим.  
Бунда кўзларимга, оҳ, қон кўринар,  
Менга бу деворлар зиндон кўринар.  
Кўнгил вайрон бўлган бир хонумондир,  
Яйраб-ёзилмайди ҳейла замондир..  
Осмондан ҳам келмас менга тасалли,  
Руҳимга завқ бермас замин саҳари...

### Хиромон

(*Паришон киради.*)

Воқиф, эй сарварим, эй тождорим!

### Воқиф

Кўринма кўзимга, бевафо ёрим!  
Кет, югур мурдорнинг ҳаром бағрига,  
Зулм уясига — олов қаърига.

Хиромон бошини қуйи эгиб чиқади. Бир оз сукут.

### Воқиф

Ерим юз ўгирди... даврон бевафо,  
Бузилди мен кўрган ҳар завқу сафо.  
Саргайди умримнинг гулли баҳори,  
Оҳ, синди қалбимнинг садафли тори...

Алибек газабли киради.

## Алибек

Ота, ўлдираман уятсизни, бас...

## Воқиф

Алибек, жиноят бизнинг иш эмас;  
Қўлларингга қара, ярашарми қон?  
Уғлим, яшатиш-чун яралган инсон.

## Алибек

Бунда йўқ на номус, на ордан асар,  
Вафосиз бўларкан ўгай оналар.

*(Чиқади.)*

## Воқиф

*(Елғиз ва паршон.)*

Кошкийди кўрмасам саройни зинҳор,  
Ҳали учратмадим бир вафоли ёр,  
Майли, бир бошимга қуринг мингта дор,  
Чўпонлар ўтлоғи ёдимга тушди.

У тоза туйғулар, покиза диллар,  
Бинафша бўйини улашган еллар,  
Бошида қотганим чечаклар, гуллар,  
Тарлонлар қўноғи ёдимга тушди.

Неча бор кечганман оққувли кўлдан,  
Хуш бўйлик топганман ҳар янги гулдан,  
Воқиф, айри тушдинг қишлоқдан, элдан,  
Умримнинг тонг чоғи ёдимга тушди.

Утиради. Қалам-қоғоз олиб шеър ёза бошлайди.

## Парда



## УЧИНЧИ ПАРДА

### Бешинчи кўриниш

Субҳидам палла. Лашкар қароргоҳи, баланд тепа, тепа бошида Қожар шохнинг чодирини, унинг ён-верига бошқа чодирлар кўриниб турибди. Отларнинг кишнаши, одамларнинг шовқини эшитилади. Қожар уйқуда, ўнг томондаги чодирдан Тамаранинг маҳзун қўшиғи эшитилади.

#### Т а м а р а

Айри тушди тарлон кўнглим  
Ўз меҳрибон уясидан.  
Хабар беринг, сиз, турналар,  
Юртим боғи, даласидан.

Бир тутқунман, қўлим боғлиқ,  
Мусофирман, сийнам доглик,  
Дил хастаман, оҳ, нечоғлик  
Юрагимнинг ярасидан.

#### Д а р в о з а б о н

Жонга ўт солади асира саси,  
Бу она фарёди, аёл ноласи.  
Онаси болалар йиғлашар зор-зор,  
Номин чиқармоқчи Муҳаммад Қожар...  
Йўқмиш бу золимда виждондан нишон,  
Хароб бўлган эмиш дастидан Эрон.

Тўқди жабҳаларда дарё-дарё қон,  
Қаранги, у қонга тўймайди ҳамон.

### Т а м а р а

Шамол эсар, гул букилар,  
Жон риштаси, оҳ, сўкилар.  
Кеча-кундуз ёш тўкилар  
Кўзларимнинг қорасидан.

Қ о ж а р уйғониб, чодирнинг олдига чиқади.

### Қ о ж а р

*(Мағрур, кибр билан.)*

Яна гуржи қизи куйларми нохуш?

### Д а р в о з а б о н

Шоҳим, яйрамайди қафасдаги қуш...  
Росаям сиқилган кўринар ўзи,  
Нола, ҳайқириққа ўхшар ҳар сўзи.

### Қ о ж а р

*(Киноя билан.)*

Сенинг ҳам юрагинг ачирми унга?

### Д а р в о з а б о н

Йўқ, фалак солгандир уни бу кунга...

### Қ о ж а р

*(Тамарани бағрига босиб, яна ғазаб  
билан итариб юборади.)*

Дейдилар, ширинмиш инсоний бўса,  
Нетарди бизгаям у насиб бўлса?!

(Дарвозабонга.)

Қани чиқ, вазирга айт, келсин дарров!

Дарвозабон кетади. Қожар қизарган уфқларга кўз югуртиради.

Яна кўк юзидан ёғмоқда олов,  
Бизга ҳаёт берган қуёш ҳатто қон,  
Дунё қон устига қурилган макон...  
Бошимга чақмоғин тўксаям фалак,  
Қонли қиличимдан кечмас бу юрак:  
Хукмимга бош эгсин чексиз тоғ, дара,  
Чўлларга оқизай қондан шаршара.  
Ҳа, қонга бўялсин чечаклар, гуллар,  
Фақат қон ҳидини улашсин еллар!  
Менинг виждоним ҳам, юрагим ҳам қон,  
Дунё қон устига қурилган макон.

Вазир киради, эҳтиром ила таъзим қилади, қўли билан олис-олис-ларни кўрсатади, хушомадга ўтади.

**В а з и р**

Шоҳим, қандай гўзал бу гулгун баҳор!

**Қ о ж а р**

Вазир, қани, эшит, сенга гапим бор!  
Яна ўт ичида ёнар баданим,  
Шу тоғдан оғирроқ дардим бор маним...

**В а з и р**

Шоҳим, ярашмайди бадбинлик сизга,  
Шайтон кўриндими ё кўзингизга?

## Қ о ж а р

Айтайлик, машриқдан мағрибга қадар  
Менга хирож берди бутун ўлкалар,  
Хўш, нима бўлибди? Бадбахтман, ишон!  
Айтайлик, Илдириим, Темур, Чингизхон —  
Бари ўзим бўлай, хўш, борми нафи?  
Қўринмас дунёнинг инжу, садафи...  
Болам йўқ, биламан, йўқ меросхўрим,  
Шудир пешонамнинг аримас шўри.

## В а з и р

Шоҳим, бу яланглик, чўлларга қаранг,  
Бағрида товланар минг бир алвон ранг.  
Чарх уриб куйлайди каклик, тўрғайлар,  
Сизга пешвоз чиққан боғлар, саройлар  
Дейишар, хуш келдинг, буюк ҳукмдор!..

## Қ о ж а р

Вазир, бу гапларнинг на ҳожати бор?

## В а з и р

Еқармикин, девдим, ов кўнглингизга!..

## Қ о ж а р

Ҳа... Ҳа...

## В а з и р

Куляпсизми?!

## Қ о ж а р

Ярашмас бизга  
Какликни қувламоқ кўтариб қилич,  
Қиличим қонини кўрасанми ҳеч?!  
Малаклар боқсаям минг жилва ила,  
Кўнгил юшамасин жабҳада сира.

## В а з и р

Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор!  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор.

## Қ о ж а р

Майли, фазилатдан гапирма, вазир,  
Бир қулдек амримга бўлгин мунтазир!  
Бил, балиқ қонидек қоним соғуқдир,  
Мингта ваъз қилсанг ҳам ҳеч нафи йўқдир!..  
Бўлсайди башарнинг бўйни ягона,  
Уни узар эдим, эҳ, моҳирона.

## В а з и р

Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор,  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор.

## Қ о ж а р

Мени ахталашди болалик чоғим,  
Дунё неъматидан бўлдим бенасиб,  
Бу дунёдан қасос олганим-олган!

## В а з и р

Шоҳим, бўлмасаям валиаҳдингиз,  
Эрон тупроғининг шоҳи бўласиз.

Шикоят қилманг ҳеч толеингиздан,  
Уғлингиз, қизингиз эмасми ватан?

Қ о ж а р

*(Қиноя билан.)*

Ватан, севадими мени у ватан?  
Эл тилга олади бир нафрат билан...  
Ортиқ эслатмагил менга ватаним,  
Қиличим бўлмаса титарлар таним!

В а з и р

Шоҳим, кўнглингизда қандай режалар?  
Тифлисни ёндирдик, ўтга қаладик.  
Одамларни сўйдик, уйин таладик,  
Бир оз тушдингизми ғазаб отидан?

Қ о ж а р

Ҳали ер титрамас Қожар отидан...  
Қон кўли остида қолсин бу тоғлар,  
Эшиклар миҳлансин, ўчсин ўчоқлар,  
Юраклар ажралсин ўз сирдошидан,  
Яралсин дарёлар кўзлар ёшидан!

В а з и р

Шоҳим, виждонингиз қийналар, дейман...

Қ о ж а р

*(Қинояли кулади.)*

Виждон?!

У бизда йўқ, вазир, ғам ема!  
Ҳали келмадимиз бизнинг элчилар?

**В а з и р**

Афсус, Қорабоғдан йўқ бирор хабар,  
Иброҳимхон эмиш кўп ориф одам,  
У Мулла Паноҳдан дарс ҳам олармиш

**Қ о ж а р**

Ким ўзи?

**В а з и р**

Бир шоир, лақаби «Воқиф»,  
Ҳар қайси илмдан эмиш у воқиф!

**Қ о ж а р**

Қашшоқ, пайтавали, чўпон бир ўлка  
Буюк фирдавсийлар яратган балки?..

**В а з и р**

*(Қўрқиб-писиб.)*

Шоҳим, сиз ўзингиз... Озарбайжонлик...

**Қ о ж а р**

Манми?.. Ман?  
Кўп бўлган, кечганман бундай Ватандан

**В а з и р**

Амрингиз вожибдир одил ҳукмдор,  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор.

## Қ о ж а р

*(Дарвозабонга.)*

Чақиринг, киришсин асир гуржилар,  
Шу ерда уришсин у икки нафар!

## С а р к а р д а

*(Киради.)*

Шоҳим, қайтишди бизнинг элчилар.

Элчилар киришади, шоҳга таъзим қилиб, жавоб мактубини  
топширишади.

## Қ о ж а р

*(Мактубни вазирга узатиб.)*

Уқи, на ёзибди Қорабоғ хони?

## В а з и р

*(Мактубни очиб ҳайратланади.)*

Шоҳим! Булар шеър-ку, хўш, жавоб қани?

## Қ о ж а р

Уқи, шоирлари бор, дегандинг ўзинг,  
Шеър билан ёзгандир у жавоб сўзин.

## В а з и р

*(Ҳаяжонланиб ўқийди.)*

«Мактубингни олдик, Муҳаммад Қожар,  
Тарлон уясида асло сор бўлмас.



Қ о ж а р

(Ғазабли.)

Асло сор бўлмас?!

В а з и р

Бу дунё тушмаган шоҳлар маҳрига,  
Золим ҳам, зулм ҳам пойдор бўлмас.

Қ о ж а р

Пойдор бўлмас!

В а з и р

Кўкдан бошимизга олов ёғса ҳам,  
Бу эллар бош эгиб, сенга хор бўлмас.  
Зурриёт кўрмаган сўққа бошинг бор,  
Тол мева берганми, барқарор бўлмас!  
Қўйма оёгингни бизнинг тупроққа,  
Илондан, чаёндан дўсту ёр бўлмас!»

Қ о ж а р

(Ғоят ғазабланиб.)

Эҳ-ҳа, журъатни кўр, жасоратни кўр!  
Вазир, каклик ови буёқдайкан-ку?  
Хабардор қилайин саркардаларим,  
Ҳужумга шайласин қўшиннинг барин!  
Тоғларни янгратсин бурганинг саси,  
Эртага оламиз Шуша қалъасин!

Икки нафар г у р ж и н и олиб кирадилар.

В а з и р

Шоҳим, гуржиларни...

Қ о ж а р

Ҳа, сиз гуржилар!  
Эрта, кун тушганда шу дара, ғорга,  
Сизлар осиласиз албатга дорга.  
Севиниб уришинг, шартим бор ёлғиз,  
Шилсин терингизни тирноқларингиз,  
Кўзимга қип-қизил этлар кўринсин,  
Қалбимга янги бир куч-қудрат инсин!..  
Эртага юриш бор..  
Тез бўлинг уришда, хулласи калом  
Ким ютса, шу — озов!..

Ш а л и к о

Шоҳим!

Қ о ж а р

Гап тамом!

Ш а л и к о

Шоҳим, биз — бир авлод, бирдир қонимиз,  
Биз — ака-укалар, бирдир жонимиз...

Қ о ж а р

Нима? Ака-ука?

Г у р ж и л а р

Шундай!

## Қ о ж а р

Кўр, вазир?  
Ажиб ўйин бўлар ростдан ҳам ҳозир!

## В а з и р

Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор,  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор...

## Қ о ж а р

Қани, тезроқ бошланг!

## Ш а л и к о

Ука, сенга гал,  
Бусиз ҳам эшикни қоқмоқда ажал!  
Кел, мени парчала ўз қўлинг билан,  
Сўнгра йўлга тушгин мисоли елкан.  
Боргин уйимизга, онамиз кутар,  
Бизнинг доғимизда қон-зардоб ютар..  
Сен қайт, укажон, майли, мен ўлай,  
Ахир кенжамизсан, қурбонинг бўлай.

*(Гуржилар уришиши тараддудига тушади.)*

## К и ч и к г у р ж и

Оҳ, қўлим бормайди!

Т а м а р а чодирдан чиқиб, гуржиларнинг ўртасига отилади, қўлларини чўзиб, шоҳга юз буради. Сукут. Қожарнинг ваҳший қаҳқаҳаси янграйди. Шу дақиқада қўшин орасида исён кўтарилади. Б и р н а ф а р аскар югуриб кириб, Қожарнинг қаршисида тўхтади.

## А с к а р

Етар, уришмоқдан диллар бўлди қон,  
Бу басир виждонинг уйғонсин бир он.  
Аёлу гўдаклар Эронда очдир,  
Бир парча қаттиқ нон, сувга муҳтождир,  
Бўлди, ҳеч тўймайсан қон ичган сайин...

## Қ о ж а р

*(Қиличини суғуради.)*

Фитна солган сенми қўшинга, хонин?

Қиличбозлик бошланади, уриша-уриша орқа томонга ўтадилар, саҳ-  
вада дарвозабон билан гуржилар ёлғиз қоладилар.

## Д а р в о з а б о н

Қани, жўнаб қолинг келмасдан ётлар,  
Ана, эгарланиб турибди отлар.  
Ватанда бўласиз эрта, субҳидам.

## Т а м а р а

Кўп, раҳмат, укажон, қочгин ўзинг ҳам.

Г у р ж и л а р қ о ч и ш а д и .

## Д а р в о з а б о н

*(Қожарнинг орқасидан нафратли тикилиб.)*

Мени дарвозабон билиб адашма,  
Сен билан тоғ ошиб, дарё кечаман.  
Фурсати келган дам, золим шоҳ, шошмай  
Шу ҳаром қонингдан тўйиб ичаман.

## П а р д а

## Олтинчи кўриниш

Қорабоғ. Қалин ўрмонли тоғ. Тоғ бошида қалъа кўринади. Ўрмон этагига Элдор қўшини жойлашган. Баъзилари тик оёқда, баъзилари ўтиришибди, қизғин суҳбат бормоқда. Учоқда олов ёнади, дарaxтда сўйилган тўқли осиглиқ.

### К у р д М у с а

*(Қўшиқ айтади.)*

Қошим қора қаламсиз,  
Қарорим йўқдир сансиз.  
Оҳ, кўрпангга ўт тушсин,  
Қандай ётибсан мансиз?

Оҳуман даштни кезган,  
Уту ўлани эзган.  
Юз йил мусибат тортиб  
Қутулсам, учай сизга.

### I қ о ч қ и н

Айланай, Мусажон, овозингдан-а?

### II қ о ч қ и н

Мусажон, бир кулдир, йиғинни яна?  
Кўрган-эшитгандан яна бир гапир.

### К у р д М у с а

Йўқ, Мулла Насриддин эмасман, ахир,  
Баҳорда хўрда бўлса ялпиз-ла,

Ёз чоғи шароб ичсанг мўғиз-ла,  
Кузда-чи, пишлоқу нон тарвуз-ла,  
Қиш бўлса иссиқ хона бир қиз-ла...

(Кулишади.)

И қ о ч қ и н

Яша, жон, жон!

И қ о ч қ и н

Яхши тушлар кўр!

И л ё с

Элдорга нима десам,  
Сарсон қилар бизни ҳам...  
Тўшагимиз тош, қоя,  
Умримиз ўтар зое.

К у р д М у с а

Ошна, гапир, нега сан  
Ҳа, тухуми терс келган  
Товуқдай ўтирибсан?

И л ё с

Қўнгим қолди, тўғриси,  
Шу ишдан, чиқар миси.

К у р д М у с а

Хўп, сен оға, мен оға,  
Хўш, сигирни ким соғар?

## И л ё с

Кучли бўлса хон яна,  
Унда тўпу тўпхона,  
Булар ахир ҳазилмас...

## К у р д М у с а

Ўлганни бос-е бирпас,  
Қани: кўзимга тик боқ!  
Биласанми, эй аҳмоқ,  
Кўнгли балиқ тусаган  
Тушар экан денгизга.

## И л ё с

Тан бераман мен сизга.

## К у р д М у с а

Қўрқитмасин сени хон,  
Бўғзидан ушлаб ёмон  
Чумчуқ каби бўғамиз.  
Илёс, шундай мақол бор:  
«Эл ёғилса бош қўшиб  
Харини ҳам синдирар».

Э л д о р киради.

## Э л д о р

Жоним Муса, кўзим Муса,  
Сенга йўқдир сўзим, Муса,  
Курд қизининг бўз боласи!

*(Мусанинг бўйнидан қучади.)*

Иззат — бизга, хизмат — сизга...

## Курд Муса

Ҳеч-да...

Ҳеч-да... Айлантирма, бас.

### Элдор

Рост гап, худо ҳаққи, йўлбарссан, йўлбарс!

Неча бор қутқардинг дорнинг остидан,

Қонли жанглар аро душман дастидан.

*(Қочқинлар кўпайишади, Элдор уларга боқиб кўзи яйрайди.)*

Гўзал келажакни кўраман сизда,

Бир дунё қудрат бор қўлларингизда!

Узоқда бўлсак ҳам қардош, дўст-ёрдан,

Асло чекинмаймиз бўрондан, қордан!

Оталарнинг шундай бир мақоли бор:

«Ботмонлаб бол йиғган бармоғин ялар!»

Шундайми, ҳой Муса!

## Курд Муса

Ҳа, шундай элда,

Ҳар томчи мададдир бир тошқин селга...

### Элдор

Яхши кун кўрмади бизнинг гул юзлар,

Тирик гўрга кирди оналар, қизлар.

Ерни шудгор қилган, экин эккан биз,

Улкан саройларни бунёд этган биз.

Қишда совуқ демай дон-дун ундирган,

На роҳат кўргану, на уйқу билган

Биз эдик! Узимиз очликдан ўлдик,

Осилдик минг дорга, саргардон бўлдик.



Бу бойлар бўридек талашди фақат,  
На бойда инсоф бор, на хонда шафқат.  
Қачон қутуларкин бу кундан инсон?!

### К у р д М у с а

Ҳой Элдор, ростдан ҳам бой зотики бор,  
Дони кўпайдими, бўлди, шу замон  
Сени қирчангидек тепишга тайёр!

(Кулги.)

### Э л д о р

Энди-чи, тиш қайраб келмоқда Қожар,  
Эронни талаган бу қари ўжар  
Келар подаси-ла бизни сўйишга,  
Сўнг тўккан қонидан ичиб тўйишга.

Ш а л и к о, кичик гуржи ва Т а м а р а ҳаяжонда киришади.

### Э л д о р

Кимсиз, эй қардошлар, гапиринг қани?..

### Ш а л и к о

Золим Муҳаммад Қожар  
Бизни қирди, талади,  
Уф... ўша қонхўр, баттол  
Тирик ўтга қалади.  
Хўп уришди гуржилар,  
Гоҳ мардлик ҳам енгилар.  
Қожар енгди бу сафар  
Бизни асир олдилар,  
Қон сизмади сой, жарга...

Э л д о р

Ярашмайди енгилиш  
Қахрамон гуржиларга!

Ш а л и к о

Шундай бўлди бу сафар.

Э л д о р

Кейин?

Ш а л и к о

Бизни асир олдилар  
Осиш-чун бўйнимиздан,  
Айрилдик уйимиздан.  
Тутқунликда тутилдик,  
Бироқ қочиб қутулдик  
Ўша золим қўлидан.

Э л д о р

Бўлди, билдим.

Ш а л и к о

Энди сан  
Ёт деб билсанг ҳам бизни,  
Мана, учаламизни  
Ўз тишингда асрайсан.

Э л д о р

(Кулади.)

Сизга қурбон бу бошлар,  
Бизнинг азиз қардошлар!

Эсимдадир ўша тоғлар,  
Турна кўзли шўх булоқлар.  
Кўп ўтганман тоғ, қиридан,  
Гуржистоннинг дўст элидан,  
Уларда ор, мардлик бордир,  
Юрагимга ҳамон ёрдир  
Уша нону туз ҳурмати,  
Яхшилиқнинг ўчмас оти...  
Қанисиз, ҳей болалар!

*(Дивраҳтга осилган тўқли жасадига ишора қилади.)*

Уни туширинг,  
Тез бўлинг, яхшилаб, кабоб пиширинг.

#### Т а м а р а

Раҳмат, тўзон турди, ҳожати йўқ ҳеч,  
Кетолмай қоламиз, сўнг тушади кеч...

#### Э л д о р

Ўзингиз биласиз... бизнинг бу тоғлар  
Ўз уйингиз эрур... энди, ўртоқлар,  
Етказиб қўйишин сизни Тифлисга!

#### Ш а л и к о

Ажойиб яхшилиқ бўларди бизга.

#### Э л д о р

Йўқ, йўқ, бу вазифам, бурчимдир маним!

*(Шаликога.)*

Буни кўр, укажон, энди шоҳ Қожар,

Сизларни талаган ўша қон ичар,  
Энди кўз тикмоқда Озарбайжонга.

**Ш а л и к о**

Шоҳлар бўялади кунда минг қонга.

**Э л д о р**

Биз-чи? Биз нетамиз? Йиғилиб келинг,  
Қудрати зўр бўлар бирлашган элнинг.  
Келинг, жанг майдонин кезайлик бирга,  
Илоннинг бошини эзайлик бирга!..

**Ш а л и к о**

Келишдик, акажон, уч кунга қадар,  
Кут, етиб келади бизнинг аскарлар.

**Э л д о р**

Сизга ишонаман, майли, тез келинг,  
Бирга сокурамиз қонхўрнинг кулин.

**Ш а л и к о**

Кеч бўлди, кетайлик.

**Э л д о р**

Тўхтанлар бирпас!  
Муса!

**К у р д М у с а**

**Лаббай.**

## Э л д о р

Қулоқ сол гапга!  
Ол-да беш-олти отли,  
Отлари қуш қанотли  
Меҳмонларга бұл ҳамроҳ.  
Лекин, Муса, меҳрибон,  
Ҳушёр қара ҳар томон,  
Йўл юзида бир шикаст  
Етмай кетса, бизга бас...

## К у р д М у с а

Боласан-да, бола?!

## Ш а л и к о

Кўп раҳмат, қардошлар!

## Э л д о р

Арзимайди, дўстлар!

Гуржиларни катта ҳурмат ва хурсандчилик билан кузатишади. Бир  
қ а р и к а м п и р Элдорга яқинлашади.

## Э л д о р

Хўш, хизмат, онажон?

## К а м п и р

Ҳеч ўзим, Элдор!  
Биласан, кексага керак мададкор...  
Бор-йўқдан қолганди битта сигирим,  
Ушайди кўмакчим, кўз тиккан ерим...

Шуни ҳам қўймасдан тунда олдилар,  
Мени тириклайин ўтга солдилар.

Э л д о р

*(Қаҳраланиб.)*

Ким олди, ҳой она?

К а м п и р

Олганми? Илёс!

Э л д о р

*(Илёсга ғазабли тикилади.)*

Олчоқ, ярамас!

А р ш а к

*(Элдорга.)*

Кўнглим сув ичмайди Илёсдан сира,  
Шунақа панд берар у диди хира.

Э л д о р

Ҳозироқ ташла, сен, милтиқни ерга.

*(Илёс милтиқни қўяди, бошини эгиб олади.)*

Э л д о р

Бўш ғорга кириб ёт, номуссиз эрга  
Милтиқ ярашмайди... одам бўлмай кет!

*(У ёнидан пул чиқариб, кампирга беради.)*

Мана пул бозордан бир сигир олинг,  
Сира хафа бўлманг, хўп, энди боринг.

К а м п и р

Сенга қурбон бўлсин бу кекса онанг,  
Дунёда касодлик кўрма ҳеч, болам...

*(Кетади.)*

Э л д о р

*(Қаҳрли Илёсга.)*

Турқини қаранглар, туф-е, юзингга,  
Мен ҳам ишонибман, номард, сўзингга...

И л ё с

Кечир, янглишибман, хато қилибман,  
Қадамим босаман энди билиб ман.

Э л д о р

*(Милтиқни Илёсга қайтаради, озгина шаштидан тушади.)*

Тентак! Гўрўглининг ҳақпарвар оти  
Хонлару бойларнинг букди қанотин,  
Буям хатомикан...

А л и б е к даврага жадал кириб келади, Элдор билан кўришади, ҳам-  
ма йиғилиб, уни тинглайди.

А л и б е к

Элдор, қулоқ бергин, Элдор, қулоқ сол,  
Бостириб кирганмиш у Қожар — баттол,

Отам кечса ҳамки вазирлигидан  
Дейди, ёт қўлларга ўтмасин Ватан.  
Биласан, у ёнар парвона каби,  
Бор кучни ишга сол, шудир талаби.  
Орқадан Қожарга қиласиз ҳужум,  
Отамнинг фикрини айтяпман бу зум.  
Хон эса ҳамиша қўлимиздадир,  
Ватаннинг назари ҳозир биздадир.  
Бу юртда қўймаймиз золим шоҳни, бас,  
Элимиз бор-йўғи асло таланмас.

### Э л д о р

Жуда соз, Воқифга айтгин, Алижон,  
Сўзидан чиқмайман четга ҳеч қачон.

*(Қўшинга ўғирилади.)*

Она юртимизнинг бир буюк ўғли,  
Виждони покиза, юраги чўғли,  
Бизни даъват этар муқаддас ишга,  
Эрк учун бошланган буюк юришга!

### П а р д а

## Еттинчи кўриниш

Тоғ оралиғи, орқадан шиддатли гўп, милтиқ саслари эшитилади. Тоғ орти — Қожарнинг қўшини кетган томондан ўт қўйилган қишлоқнинг яллиғи кўкни ёритади. Узоқдан хотин-халаж, бола-чақаннинг қий-чуви эшитилади.

### Қ о ж а р

*(Тоғ бошида туриб, қишлоқнинг ёнишини томоша қилади.)*

Ён, ён, лочинларнинг яшил макони!



Руҳимга жон берар ўлим осмони...  
Урласин осмонга ўтларки серёл,  
Кўкдан олов сочсин югуриб шамол!  
Ен, ён, кўмир бўлсин ҳар дара, ҳар тоғ,  
Бош эгсин азмигга бутун Қорабоғ!  
Қон ичида сузсин келниллар, қизлар,  
Ерда кабутарлар, кўкда юлдузлар.  
Она қорнидаги қондан вужуд, тан,  
Бутун коинотга қон бўлсин кафан,  
Маним виждоним ҳам, юрагим ҳам қон,  
Дунё — қон устига қурилган макон!

### В а з и р

Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор,  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор.

### Д а р в о з а б о н

*(Қошарга яқинлашиб.)*

Шоҳим, афв этингиз, ҳузурингизга  
Бир қишлоқи келди, гани бор сизга.

### Қ о ж а р

Кирсин!

### Д а р в о з а б о н

Киринг, ота, қаршингизда шоҳ!

*(Қишлоқлик чол яқинроқ келади.)*

### Ч о л

Сизга бир сўзим бор, эй олампаноҳ!

Шу ёнган қишлоқнинг оқсоқолиман,  
Улуснинг дардидан жиндак холиман...  
Ёнар ўт ичида гўдаклар оҳи,  
Бу қишлоқ аҳлининг недир гуноҳи?  
Буюринг, ёнғинни ўчирсин тезроқ,  
Кулга айланмасин бу она қишлоқ!  
Бу тоғлар қўйнида арслон ётармиш,  
Бунда Гўрўғлилар от ўйнатармиш...

### Қ о ж а р

*(Қаҳрланиб чолнинг гапни бўлади.)*

Яхши, кет, қари кўппак!

*(Киноя билан.)*

Бунда Гўрўғлилар от ўйнатармиш!..

*(Қожар чиқади.)*

### Ч о л

*(Қожарнинг кетидан.)*

Оҳ, жаллод, шафқатсиз, энди шошма, пас,  
Сулаймон тож-тахти сенда ҳам қолмас.

*(Туриб чиқади.)*

Қ о ж а р яна киради, қоя бошида тўхтайти. Бу орада Қожарнинг  
саркардаси шошилич киради.

### С а р к а р д а

Шоҳим, орқа томон даҳшатли жуда,  
Катта йўл эмасми, қатнов авжида...

Элдорнинг қўшини босар илгари,  
Бизни қирмоқда у чумчуқ сингари,  
Яқинлашиб қолди! Яширининг тез,  
Анов қояликка ўтайлик шу кез,  
Улар мустаҳкамдир...

### Қ о ж а р

Отни олдининг!  
Бир тўда йигитни ортда қолдининг,  
Йўлни тўсиб турсин бизлар кетгунча.

### С а р к а р д а

Ҳа, тўсиб туришар бизлар етгунча.

Д а р в о з а б о н киради.

### Д а р в о з а б о н

Қорабоғнинг шайхи қирмоқчи, шоҳим!

### Қ о ж а р

Айт, кирсин.

Ш а й х бир тўда аъёнлари билан киради.

### Ш а й х

Эй шоҳим, пушту паноҳим!  
Сизнинг йўлингизда қолди кўзимиз,  
Сизни дуо қилар ўғил-қизимиз...  
Марҳамат, эшиклар очиқдир сизга,  
Юртни топширамыз мард қўлингизга.

Қ о ж а р

(Киноя билан.)

Жуда соз, қаерда, у Иброҳимхон?

Ш а й х

Иброҳимхондан бўлсин хотирингиз жам,  
Доғистонга қочди бугун субҳидам!

Қ о ж а р

Эҳ-ҳа, урушмасдан сақлабди-да жон!  
Яхши, бирга кетдик, бўласан даркор,  
Бу ваҳший тоғларда йўл кўрсатиб бор.

Ш а й х

Марҳамат, марҳамат!

*Чиқишади. Бир тўда аскар тортиша-тортиша олдинга яқин-  
лашади.*

Т е м у р

Қўлимиз, тишимиз, милтиғимиз қон,  
Урушдан безмадик, дўстларим ҳамон.  
Дунёга тўймаскан шоҳларнинг кўзи,  
Жонимдан тўйиб ҳам кетдим-да, ўзи.

А с к а р

Қураш майдонида аскармиз, билки  
Саркарда буйруғин қилмаймиз икки.  
Сен нима деяпсан?..

## Т е м у р

(Киноя билан.)

Дейди, аскармиз,  
Уйимизни бузар ўз қўлларимиз...  
Аҳмоқ, шу айтганинг жангу жадалда  
Кўксингга ўқ тегиб ўлсанг агарда,  
Шоҳлар ачинарми? Ҳатто эсламас...

## А с к а р

Қўшинни фаромуш қилма, эси паст,  
Бизни туг сингари тўкади Элдор.

## Т е м у р

Майли, тутдек тўксин, унинг ҳақи бор,  
Бу тупроқ — Ватани!

## А с к а р

Бўлди!.. Сотқинсан!

*Қиличбозлик бошланади. Аскарлар икки тарафга бўлиниб уришадилар. Шу дақиқада Элдорнинг тўдаси етиб келади, тўқнашиш давом этади. Темур бошлиқ бир қанча аскар Элдорга қўшилади.*

## Т е м у р

Биз ҳам сиз биланмиз, келинг, қардошлар!

## Э л д о р

Қилич-ла онт ичинг!

*Аскарлар қилични ўпиб онт ичадилар. Жанг давом этади, Қожарнинг*

*аскарлари қоча бошлайдилар. Илс орқадан Элдори отмоқчи бўлади, милтиқ отилмайди, иккинчи дафъа мўлжалга олганда Курд Мусанинг ўқидан ер тишлайди.*

Э л д о р

Нима гап, ҳай, Муса!

К у р д М у с а

Улсин... бу ҳайвон,  
Сени отмоқчиди орқадан шу он...

Э л д о р

Майли, юр илгари, тўхташ яхшимас.!

К у р д М у с а

Ҳовлиқма, шу ерда кутайлик бирпас,  
Орқада қолганлар келишсин, шунқор.

Шу орада бир неча киши билан ҳовлиқиб Алибек киради.

А л и б е к

Қанисан, эй Элдор, қайдасан Элдор?

Э л д о р

Қаердан келяпсан, Алибек, гапир!

А л и б е к

Яна умидимиз қолмади ҳеч бир.

Ўрмонга чекининг, ўрмонга жадал,  
Ноҳақ қирилмасин одамлар бу гал.

Э л д о р

(Ғазабли.)

Алибек, нима гап, хўш, нима учун?  
Нималар деяпсан? Орқага, нечун?

А л и б е к

Қочди тулки каби, олдиндан қочди,  
Қочди Иброҳимхон, ёвга йўл очди,  
Энди устимиздан кулмоқда Қожар.

А р ш а к

Эҳ, номард.. бўш қолди дегин жабҳалар?!  
Э л д о р

Э л д о р

Ватан қўйнидаги хиёнатни кўр!

К у р д М у с а

Ўқнинг вазиллашин эшитмай қўрққан  
Эҳ, онкўр!

Э л д о р

Йўқ, йўқ, асло енгилмас Ватан,  
Ҳали бу тоғларда ҳаёт эканман,  
Ўрмонга чекининг, турманглар қараб,  
Бизнинг бошпанамиз шу тоғ, шу дара.  
Улкан қудрат ила яна келамиз,  
Қожарнинг ҳолига биз ҳам куламиз.

Э л д о р ч и қ а д и , о д а м л а р и ҳ а м у н и н г и з и д а н ч е к и н а  
бошлайдилар.

П а р д а

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

### Саккизинчи кўриниш

Қорабоғ. Шуша қалъаси. Хон саройи. Қ о ж а р н и н г и ш р а т м а ж л и -  
си. Мажлисида а ʼ ё н л а р, б о й л а р қ а т н а ш м о қ д а л а р.

Қ о ж а р

*(Такаббурлик билан.)*

Ўтди қўлимизга гўзал Қорабоғ,  
Улсин қиличимни ҳар қоя, ҳар тоғ.  
Мен Қожар авлоди, шоҳлар шоҳиман,  
Бутун Ер юзининг бир оллоҳиман.  
Тошни тинчитмангиз, ҳаттоки тошни,  
Кўминг мурда билан учраган бошни!  
Менинг виждоним ҳам, юрагим ҳам қон,  
Дунё — қон устига қурилган макон.

В а з и р

Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор,  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор.

Ш а й х

Эй буюк ҳукмдор, эй улуг Қожар,  
Сизнинг азмингизга ўтди неки бор!  
Биз ҳам соянгизда умр кўрамиз,  
Бу фоний дунёнинг гаштин сурамиз.



Сизга мадад берсин қодир худо,  
Бу муқаддас китоб — каломул олло.

## Қ о ж а р

**Раққосалар келсин!**

*Раққосалар ўйнашади, Қожар уларнинг бирини бағрига босиб ўнади.  
Бирдан қизнинг тўшидан орқага итариб юборади.*

**Дейдилар, ширинмиш инсоний бўса,  
Нетарди бизгаям у насиб бўлса.**

*(Хонандаларга кесатиқ қилиб.)*

**Дейдилар қўшиққа моҳирмиш, балли,  
Гўзал Қорабоғнинг хонандалари.  
Хунарингиз бўлса, мақомдан олинг.**

## Х о н а н д а

*(Қуйлайди.)*

**Кўзим йўлларда қолмиш, бир хабар йўқ Курнинг боғидан,  
Зерикмас, чарчамас кўнглим, у суқсурлар сўроғидан.  
У ерлар минг хаёл ойлар, табиат шеърга лойиқдир,  
Упар булбул саҳар кезлар гулни ёқут дудоғидан.  
Чаманлар, ёсуманлар кўз сузиб гар жилва кўрсатса,  
Жўшар кўнглим, чиқар ўйнаб ҳаётнинг ғам ётоғидан.  
Ўтар ойлар, ўтар йиллар, ёз, эй Воқиф, умр оздир,  
Топар бир кун учар кўнглинг шеър у санъат мароғидан.**

## Қ о ж а р

**Газал Воқифданми?**

## Ш а й х

Воқифдан, балли!

## Қ о ж а р

Қандай гап? Уни тез топиб келтиринг!

*(Саркарда бош эгиб чиқади.)*

Вазир, бу ростдан ҳам каттакон қудрат,  
Ҳар сўзи, суҳбати бир жонли санъат.  
Кўп ёмон таҳлика бу шоир бизга,  
Сен, нима дейсан, хўш?

## В а з и р

Нима дей сизга,  
Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор,  
Сизда фазилат ҳам, адолат ҳам бор.

## Ш а й х

Шоҳим, таҳликадир, Воқиф, тўғри гап,  
Унинг ҳар қадамин турсангиз тергаб...  
Унингча, қонунда йўқмиш ҳақиқат,  
Кўзларга пардамиш бутун шариат.  
Воқифни элу юрт ёқтиради, о...  
Бунча ўжарлигин билишмас аммо.  
Яна яқин дўсти — беватан Элдор,  
Сизнинг душманингиз, ҳа, ўша мурдор!  
Воқиф ҳаёт экан — хатардир бизга,  
Ушани йўқотинг назардан тезда.

**Қ о ж а р**

Езган жавобидан билганман уни,  
Шошма, совураман кўкка кулини!  
Келсин, кулишамиз шоир-ла бирпас,  
Ахир тилимизни у боғлай олмас.

*(Қизиқчи вовиллаб киради.)*

**Қ о ж а р**

Ҳуряпсанми, эй қизиқ?

**Қ и з и қ ч и**

*(Шоҳ аъёнларини кўрсатиб.)*

Подангизга шоҳим, асли  
Бир ит керак эмасми?

*(Ҳамма кулади.)*

**Қ о ж а р**

Яхши кўрасанми мени, найрангбоз?

**Қ и з и қ ч и**

Шоҳим, қулингизман — қулингизман боз.

**Қ о ж а р**

Гапир-чи, хўш, мени асир этсалар,  
Қоп-қора зиндонга тиқиб кетсалар,  
Нетардинг?

### Қ и з и қ ч и

Нетардим? Нетардим? Оғу ичардим,  
Шоҳим, йўлингизда жондан кечардим.  
Сизни банди этсалар, қолсам ғафлатда,  
Ўттиз нафар бошни кесардим шартта.

### Қ о ж а р

*(Ўрнидан туриб тилла камарини кўрсатади.)*

Найрангбоз, камарим қиймати-ку бу!

### Қ и з и қ ч и

Мен ҳам шу камарни айтдим-да, ёхуд  
Камардан қийматли сизда нима бор?

Кулги, Воқифни олиб кирадилар.

### Қ о ж а р

*(Ҳайратланиб.)*

Бизга бош эгмади, қолмабди ҳурмат!

### Ш а й х

Қонунни тан олмас, шуниси даҳшат.

### Қ о ж а р

*(Воқифга )*

Шоир, қаршингизда турар ҳукмдор!

**В о қ и ф**

Сизсиз ҳам бу гапдан, шоҳ, хабарим бор.

**Қ о ж а р**

Эгмадингиз бошни?

**В о қ и ф**

Эгмадим ҳали!

Эгилмас виждоннинг буюк ҳайкали...

**Қ о ж а р**

Қиличлар тўқнашиб, чақнаган замон  
Нима экан ўша, сиз айтган виждон?

**В о қ и ф**

Виждон деганлари бир ҳақиқатдир —  
Бешиги, мозори абадиятдир.

**Қ о ж а р**

Хўш, зиндон қанақа, қоронғу зиндон?!

**В о қ и ф**

Совуқ мозорга ҳам зийнатдир инсон.

**Қ о ж а р**

Ҳалиям кўкдами шоир хаёлинг?

**В о қ и ф**

Азалдан ҳудуди бўлмас камолнинг...

### Қ о ж а р

Бўлди... синаб кўрдим идрокингизни,  
Рост, энди шоир деб биламан сизни.  
Бахтиёр халқ экан Сизни яратган!

### В о қ и ф

Улмайди, биргина, шоҳ, бунёд этган.

### Қ о ж а р

Ажойиб, ажойиб, инонинг, шоир,  
Сизнинг бу руҳингиз менга ёқадир.  
Бу давлат, бу бойлик, бу шонли сарой,  
Кўкларнинг бисоти — юлдуз ҳамда ой  
Сизга ўтсин, майли, бугундан бошлаб,  
Бироқ бир шартим бор!

### В о қ и ф

Қани, эштай!

### Қ о ж а р

Форс тилида ёзсин, дейман санъаткор.

### В о қ и ф

Форснинг Хайёми бор, Фирдавсийси бор,  
Уларда жуда кўп буюк санъаткор.  
Озари элининг ўғлиман, канда  
Этмайин ёзаман ўрни келганда.

## Қ о ж а р

Яхши, ўжарликни қўй энди, инон,  
Бу қадар ношукур бўлмайди инсон!

## В о қ и ф

Йўқ, сира алдаёлмас бойлик, саройлар,  
Бир маслак ишқи-ла қалб тепса агар!  
Мен юртим боғида озод бир қушман,  
Мансабу шуҳратнинг домига тушмам.

## В а з и р

Яхши-я!  
Бу жулдур, кичик бир ўлка  
Буюк Фирдавсийлар яратди балки?..

## В о қ и ф

Қуёшни тўссаям қора булутлар,  
Қуёш қуёшликча қолар ҳар маҳал.

## Қ о ж а р

Қуёшга иштаҳанг катта-ку, шоввоз?!

## В о қ и ф

Кундан кўршапалак қўрқади, холос...

## Ш а й х

Бу билан гаплашиш мушкулдир, мушкул...

**В о қ и ф**

Нега?

Ҳеч бўлмаганим қулоқлар бўш кун —  
Бўхтон айлаганда дарров тугилар,  
Тўғри гап келганда четлаб ўтилар.

**В а з и р**

Шоир, сўзингининг зарби жуда оз,

**В о қ и ф**

Сайраган булбулу эшитувчи ғоз.

**В а з и р**

Оҳ... Менда бўлсайди бундаги ҳунар!

**В о қ и ф**

Ақлсиз кўппаклар юлдузга ҳулар.

**Қ о ж а р**

*(Вазирга.)*

Қани, бўл, жавоб бер, жавоб бер тезроқ!  
Қўзингни лўқ қилиб турма-да, аҳмоқ!

Шўрлик нима қилсин, не гуноҳи бор,  
Ғар зиё кучайса, зулмат шармисор...

**Ш а й х**

*(Қиноя қилади.)*

Шоирга мартаба тиконли сўзлар.



**Воқиф**

**Сўздан қизармайди, бўзарар юзлар.**

**Дарвозабон киради.**

**Дарвозабон**

**Шоҳим, ичкарига кирмоқчи бир чол!**

**Қожар**

**Айт, кирсин!**

**Видодий кириб, таъзим қилади.**

**Ҳокимнинг ҳукми, амали  
Унинг виждонидан бўлмасин холи,  
Бизга вафо қилмас мол-дунё зинҳор.**

*(Воқифни кўрсатади.)*

**Шоир у... қалби бор, ширин сўзи бор,  
Буюк бир ўлканинг унда ўзи бор.  
У ўлса... тоғлар ҳам тутади мотам,  
Кечиринг... яхшилик яхшидир ҳар дам.**

**Қожар**

**У диннинг душмани, маҳкум ўлимга!**

**Видодий**

**Ахир бу Воқиф-ку, шеър ёзмас кимга?!  
Баъзан қамчилайди замонасини,  
Худо ҳам ёқтирар шеърнинг сасини.**

Қ о ж а р

(Қаҳрланади.)

Худо ҳам ёқтирар? Худога ёлбор,  
Худонинг карами ахир кимда бор?  
Агар кучи етса асраб қолсин у...

В и д о д и й

Ахир сиз — ҳукмдор...

Қ о ж а р

Яхши, яхши, чол,  
Энди ўйламайман қатли зинҳор,  
Аммоки кесаман ёзган қўлини,  
Мени ҳажв қилувчи аччиқ тилини.  
Розисан?

В о қ и ф

Розиман... буюк ҳукмдор!..  
Марҳамат соҳиби бўлар оғалар.  
Айби йўқ, танишдир зулмнинг оти,  
Сен — ҳачир жинсидан, кўпаймас зотинг.

Қ о ж а р

Воқиф, энди кет,  
Саройга йўлама, бутунлай тарк эт,  
Иззатин билмаган ўлсин итга хос.

В о қ и ф

Сен-чи, ҳақиқатнинг оғзига тош бос!

Мен роса кўрганман бу саройларни.  
Бунда кўкка чиққан оҳу войларни...  
Кўрганман шоҳларнинг вафосини ҳам,  
Хонларнинг зулмини, жафосини ҳам...  
Кўрганман замоннинг минг шамолини  
Тутқун оналарнинг аянч ҳолини,  
Нафрат, қон чаноғи тожларга нафрат!  
Яшасин озодлик ҳамда муҳаббат!..

*(Кетади.)*

Қ о ж а р

*(Асабий, Воқифнинг ортидан.)*

Тутинглар, ташланглар уни зиндонга,  
Мусибат бўлсин бу — Озарбайжонга!

В и д о д и й

Олтинни ютсаям қаърига тупроқ,  
Унинг олтинлиги ўчмайди бироқ.

*(Чиқади.)*

Қ о ж а р

Қулоқ сол, бу ерда турма, Зулфиқор,  
Воқифни зиндонга сен ўзинг обор.  
Ҳатто қуш кирмасин унинг ёнига.

Д а р в о з а б о н

*(Икки маъноли қилиб.)*

Хўп, шоҳим, тун бўйи мишжа қоқмасдан,  
Мен уни асрайман ҳатто хор-хасдан...

Қ о ж а р

Менинг виждоним ҳам, юрагим ҳам қон,  
Дунё қон устига қурилган макон.

В а з и р

Амрингиз вожибдир, одил ҳукмдор,  
Сизда фазилят ҳам, адолат ҳам бор..

Қ о ж а р

*(Тентаклардек ҳайқиради.)*

Тарқалинг, тарқалинг, бўғилдим яна...

*(Ҳамма чиқади.)*

Қ о ж а р

*(Ўз-ўзига.)*

Нима дей, нима дей қисматга, мана?..  
Кўнглим ёпишгандир хонумонига,  
Кўзларим тўймас ҳеч инсон қонига.

*(Бетоблик сезгандек ўзидан шубҳаланади.)*

Бу нима, не учун танимда титроқ?  
Эҳ-ҳа... мунча тубсиз бу жарликлар, боқ?  
Кўзларим тинмоқда... Эвоҳ... ўламан!  
Ҳа... ҳа! Бу нимаси? Нечун куламан?!  
Ё гуноҳсиз қонлар кўзга кўринар?

*(Қон томирини ушлаб кўради)*

Йуқ, ҳали юрагим бир текис урар.  
Хайрият, ўлмайман! Ҳозирча соғман,  
Энди ўлимниям қолдиргум доғда.

*(Қиличини суғуради, бироқ қўллари мадорсизланади,  
қиличга таяниб, ҳолсизланади.)*

П а р д а

### Тўққизинчи кўриниш

Шуша қалъаси, қояликда зиндон. Субҳидам палла, қуёш энди  
уфққа тирмашмоқда. В о қ и ф деворга шеър ёзиш билан банд, сўнгра  
ёзган шеърини ўқийди, А л и б е к қулоқ солади.

В о қ и ф

Мен жаҳон мулкида мутлақ тўғри ҳолат кўрмадим,  
Ҳар на кўрдим — эгри кўрдим, ўзга бобат кўрмадим.  
Ошнолар суҳбатида ҳам садоқат кўрмадим,  
Байъату иқрор, имону диннат кўрмадим,  
Бевафодан ложарам таҳсилу ҳожат кўрмадим.

Мухтасарким бўйла дунёдан керак этмоқ ҳазар,  
Чунки ўзи ўрнида эрмас бу замон ҳеч хайру шар,  
Яхшилар хоки мазаллатда, ёмонлар мўътабар,  
Соҳиби зарда карам йўқдир, карам аҳлида зар,  
Ишдаю тадбирда аҳқому лаёқат кўрмадим.

*(Уғлига қарайди.)*

Оҳ, ўғлим, ўзимнинг қаҳрамон ўғлим,  
Бу қадар ғам ема, жоним, кўз нурим.

А л и б е к

Неларни ўйлайсиз, ота, отажон?  
Зулм қаршисида йиғларми инсон?

В о қ и ф

Марҳабо, марҳабо, қаҳрамон ўғлим,  
Қани кел, бир ўпай, паҳлавон ўғлим!

*(Ўғлини бағрига босиб қаттиқ-қаттиқ ўпади.)*

Қўзимнинг қораси, жигарим, жоним,  
Шу намхуш Ер бўлсин, майли, маконим.  
Сира армоним йўқ, сен яша фақат,  
Юрагинг тошданми Қожар, бешафқат?!

А л и б е к

Ота, биласизми?

В о қ и ф

Нимани, шунқор?

А л и б е к

Ҳалиям чўлларда дарбадар Элдор —  
Ҳов эски дўстингиз, ажойиб одам,  
Зиндондан қутқарган эдингиз у дам.

В о қ и ф

Биламан, биламан.

**Алибек**

**Ёзинг Элдорга,  
Денгки, тутқундаман, осмоқчи дорга,  
Ердам бер!**

**Воқиф**

**Ёзаман, ҳозир ёзаман...**

*(Ёнидан дафтар чиқариб ёза бошлайди.)*

**Гулнор**

*(Шошилини келиб дарвозабоннинг кафтига пул қистиради,  
деразадан қарайди.)*

**Алибек, ҳой Али!**

**Алибек**

**Отажон, Гулнор!**

**Воқиф**

**Севикли Гулноринг садоқатли ёр!**

**Гулнор**

*(Қўлидаги тугунчани деразадан узатади.)*

**Олинг, оч қолманглар...**

*(Йиғлайди.)*

**Алибек**

**Йиғлама, Гулнор!**

## В о қ и ф

Қизим, ҳар кечанинг бир кундузи бор.  
Йиғлама, сен борсан, бизнинг кўнгил тўқ,  
Лекин сендан ўзга кўмакчимиз йўқ.  
Мана бу мактубни қўйнингга яшир,  
Кўзинг қорасидек асраю, шошил,  
Етказ, қайда бўлса ботир Элдорга.

## Г у л н о р

Хотиржам бўлинглар.

*(Югуриб чиқади.)*

## В о қ и ф

*(Ўғлига.)*

Қара Гулнорга,  
Оталар сўзи бор, дейдилар, хуллас,  
Шернинг урғочиси, эркаги бўлмас!  
Дўстлар қутқаришар бизни бу дордан,  
Дунё ажратмасин сени Гулнордан.

*(Чиқиб келаётган кунга шоирона суқланади.)*

Қара, офтобнинг рангига қара,  
Ундан ёришади, дала, тоғ, дара!  
Шу қуёш ёшликнинг бир тимсолидир,  
Ёшликнинг қуёши сарғаймас ҳеч бир.  
Умринг камол топсин мисоли офтоб,  
Кўрмагин, болам, ҳеч дарду изтироб!

*(Алибекнинг бошини кўксига босиб эркалайди, Видодий  
кирмоқчи бўлади, дарвозабон йўлини тўсади.)*



## З у л ф и қ о р

Тўхтанг, кириш мумкинмас,  
Иўқ дедимми, тўхтанг, бас.

## В и д о д и й

Ахир уни кўриш керак,  
Кўр айласин сени фалак  
Мени ортга қайтарсанг!

*(Дарвозабон эшикни очади.)*

## З у л ф и қ о р

Тезроқ кириб чиқинг оға,  
Хабар етиб қолар шоҳга.  
Бусиз ҳамки турқи ёмон,  
Хўп қутурган, нон, суви — қон.

*(Видодий кириб, Воқифни бағрига босади.)*

## В и д о д и й

Қанчалар ёлбордим яна Қожарга,  
Деди, кет, сениям осаман дорга.  
Сўнгра уззу туни хаёлга бордим,  
Оллоҳга юз тутиб роса ёлбордим.  
Ундаям кўрмадим инсофдан асар,  
Рост айтган экансиз, алданмиш башар!  
Бирор наф келмайди сизга қўлимдан,  
Сўзим ерда қолди... Тирик ўлдим, ман!

## В о қ и ф

Оғажон, сен унга ялиндинг бекор,

У дили бузукқа сўз қилмасди кор.  
Улимдан қўрқмайман билсанг сира ҳам,  
Мени юрагида сақлайди олам!

### В и д о д и й

Иўқ, йўқ, ўлим сенга ярашмайди ҳеч!

### В о қ и ф

Видодий! Бу сафар, энди мендан кеч,  
Қишлоққа кета қол, қўрқаман сандан,  
Яна Видодийсиз қолмасин Ватан...

### В и д о д и й

Нима? Мен кетайми? Қайга бораман,  
Сен ўлган тупроқда мен ҳам қоламан!..

*(Дарвозабон Видодийни тортиб-тортиб олиб кетади,  
Воқиф хаёлга толади.)*

### А л и б е к

Ота, Видодийга қойилман, қойил,  
У куйиб-ёнмоқда сизга астойдил.  
Қандай пок, улуғвор табиати бор,  
Шу каби бўлсайди ҳамма пурвиқор...

### В о қ и ф

Буюк табиатлар яралар кам-кам,  
Инжу учрамайди ҳар ерда, болам.

Пауза. Ҳазин куй эшитилади. Хиромон пажмурда ва ниҳоят ҳор-  
гин киради.

Х и р о м о н

(Заиф товуш билан.)

Воқиф, эй сарварим, маним тождорим!

В о қ и ф

(Аччиқ бир фарёд билан.)

Тинчликми, гапир эй, бевафо ёрим?

Х и р о м о н

Учдим бу дунёда нозу неъматга,  
Кўзимни тиндирган ёвуз шуҳратга.  
Билмадим, сўнгида заҳри борлигин,  
Олтинли хазина заҳринорлигин...  
Энди ўз қўлинг-ла, кел, ўлдир мени,  
Қанчалар хўрландим, хўрладим сени...

В о қ и ф

(Янаям шиддатли.)

Кет, кет, вафосизсан бу дунё каби,  
Кўзимга кўринма бир рўё каби.

Х и р о м о н маънос ва пушаймонли бир кайфиятда чиқади, узоқдан  
унинг ғамгин товуши эшитилади.

Х и р о м о н

Жайрон эдим, ҳуркитдилар ётоғимдан,  
Бир қуш эдим, жудо бўлдим қўноғимдан,  
Шамол эсса япроқ учар, чечак бўлар..  
Бир вайрона қолди азиз гулбоғимдан.

## В о қ и ф

*(Бу куйдан таъсирланиб.)*

Шундай, Ер юзининг ашрафи инсон  
Яратар кунда бир ҳижронли дoston,  
Нимади шўрликнинг, ахир, гуноҳи?  
Энди бўладими чўллар паноҳи?  
Инсон, у муқаддас, ажиб коинот,  
Унинг қалбин бузган фақат шу ҳаёт...

*(Тез, деразадан.)*

Ҳой соқчи, тез чақир, тўхтасин аёл!  
Алибек, қўшиғи мени қилди лол...  
Гоҳида янглишса гўзал бир малак,  
Ундан нафратланса ҳар тирик юрак  
Бунга айбдордир, шубҳасиз, замон...

## Д а р в о з а б о н

*(Қайтиб.)*

Қоядан ташлади ўзин Хиромон...

## В о қ и ф

*(Икки қўли билан бошини чангаллаб, фарёд кўтаради.)*

Оҳ... ёрил, юрагим, шўрлик Хиромон!  
Бизнинг севгимизни маҳв этди замон...

## П а р д а

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Үчинчи кўриниш

Урмон. Элдорнинг тўдаси бу гал яна кўпроқ кўринади. Элдор қоя устида туриб дарага тикилади, сўнгра оёғи остидаги қояга қараб қолади.

### Элдор

Мана, Қиз қояси — ҳижрон қояси,  
Бошида чарх урган ўлим сояси.  
Бағрига қадалса гар совуқ шамол,  
Оҳ уриб, уф тортиб бўлгандир беҳол...  
Унинг бу дунёда ҳақи кўп ҳали,  
Дардини сезмабди кўкнинг қамари.  
Елғиз ҳамдамийди у хира шамлар,  
Ҳижрондек андуҳли ғариб оқшомлар.  
Оҳ, шўрлик оналар, оҳ, жасур Ватан,  
Бошингга нималар тушмади экан.  
Қиличлар, найзалар, темир қалқонлар,  
Кўксингда от чопган шоҳлар, хоҳонлар  
Сени парчалади, титди қатингни,  
Қалбингни, ҳисингни, муҳаббатингни.

### Аршак

Ҳа, Элдор, ўйланиб қолибсан?

Э л д о р

Аршак,  
Бу қоронғу дараларга бир қара!

А р ш а к

Кўрганман, нетайки, сувга зор дара.

Э л д о р

Қара суяқларга, яхшилаб қара,  
Қаллалар, оёқлар, қўллар... бари бор...

А р ш а к

Шуларни кўрмасам кошкийди, Элдор,  
Бу чўллар қалбимга беради озор.  
Наздимда, ўт ёғар яна ҳаводан...

Э л д о р

Дардингни биламан, Саят — Новадан  
Бир жуфт келтирмасанг тинчимайсан, ҳа,  
Қани, бир эшитай, ўқи баралла!

А р ш а к

*(Саят — Новадан ўқийди.)*

Э л д о р

Кўп яхши ёзаркан... тузли, мазали...  
Ошиқни яратар эллар гўзали.

А р ш а к

Элдор, нима бўлди Муҳаммад Қожар?  
Қани оч, бор бўлса бир режанг агар.

Э л д о р

Қожар бу орада кўп тўкди қонни,  
Курд Муса ахтарар Иброҳимхонни.  
Қаерда бўлсаям топади бешак,  
Қожарни йўқ қилиб кураш битажак.

А р ш а к

Уша заҳарлади қирни, увани  
Соз чалиб, шеър айтган Саят — Новани  
Тифлизда шу бўри ўлдирди, эвоҳ...  
Илонга ўхшаган шу машъум арвоҳ...

Э л д о р

Шу золим Қожарни яксон этсайдим...

А р ш а к

Гуржилар кўмакка тезроқ етсайди!

Э л д о р

Шаксиз келишади!

Т е м у р

Келяпти, эҳ-ҳей!..

А р ш а к

Каттакон бир қўшин келяпти, Элдор!

Э л д о р

Муса-ку, чақир-чи!

А р ш а к

Қожар бўлмасин?!

Т е м у р

Ёмон келяпти-ку, ўраб олмасип...

Э л д о р

Аршак, сен даранинг ҳов оғзида тур,  
Темур, тоғ ортида...

Т е м у р

Келди, ўшадир.

Э л д о р

Эчкининг ажали етган бўлса гар,  
Чўпон чўқморига ўзи суйканар.

К у р д М у с а

*(Узоқдан қайқирар.)*

Ҳой Элдор, гуржилар келишди, Элдор!

Э л д о р

Нима? Гуржиларми?

К у р д М у с а

Ушалар, шунқор!

Э л д о р

*(Гуржиларга пешвоз чиқади.)*



Бу тоғлар — сизники, азиз қардошлар,  
Халқимиз номидан ўпаман Сизни,  
Озодлик истаган юрагингизни.

*(Кўришиб, ўпишадилар.)*

Ўтиринг, ўтиринг, дам олинг бир оз!

*(Ҳамма ўтиради.)*

Шу дамда юрагим минг садаfli соз,  
Кўпдан кутганим шу биродарликнинг  
Қудрати, дўстларим, шу тоғлар қадар,  
Энди чидаб кўрсин Муҳаммад Қожар!..

Э л д о р

*(Тамарага.)*

Опажон, сиз нега қайтдингиз яна?

Т а м а р а

Бери кел, қулоқ сол қалбимга, мана,  
Бу она юраги, уни, ука, ёр,  
Кўрасан, қандай дард, қандай яра бор!

Э л д о р

Дардингиз бормиди, гапиринг, қани!

Т а м а р а

Сўлди ёшлигимнинг ёлғиз чамани,  
Кўзимнинг нуридек болам бор эди,  
У билан бир умр бахтиёр эдим.  
Эвоҳ, ўлдирдилар уни бир куни,  
Қулоғимдан кетмас боламнинг уни,

Қожар бу дунёни менга қилди тор,  
Уни топсанг агар менга бер, Элдор!  
Бўгсин у қўллари қонли мурдорни,  
Бир она қалбининг ҳасрати, зори!

#### Ш а л и к о

Оҳ, Элдор, ростдан ҳам Муҳаммад Қожар  
Тифлисга бутунлай ўт қўйиб ўтди,  
Инсон шаклидаги ўша шум ажал  
Иссиқ қонимизга хўп тўйиб ўтди.  
Енди шаҳардаги не-не хоналар,  
Бағрида боласи ёнди оналар.  
Узим ҳаммасини кўрдим, қардошим,  
Узим узсам дейман Қожарнинг бошин!..

#### Э л д о р

Майли, хафа бўлма, азиз қардошим,  
Эзамиз, шубҳасиз, илоннинг бошин.

#### А р ш а к

Шалико, Шалико, куч-қудрат бизда,  
Дунёнинг жилови шу қўлимизда.

#### К у р д М у с а

Дўстлар, кўпиртирманг сиз қонингизни,  
Душман эгалламай тўрт ёнингизни  
«Қожар» деб қолдингиз, мунча талваса?  
Элнинг таслим бўлмас қўрғонимиз, ҳа!

#### Э л д о р

Бўлмаса машқ билан қанақа оранг?

## Курд Муса

Жойида, ҳазир бўл,  
Тузалмас яранг...

### Элдор

Эҳ-ҳе... буни қара,  
Қара-я, Аршак!  
Чиқар қиличигни, нораства гўдак!

### Аршак

Чалинг, бурғи чалинг.

*(Куй. Элдор билан Курд Муса қиличбозликка тушишади.)*

## Курд Муса

Каклик емабмидинг, маълум юзингдан!

### Элдор

Сенга едираман, чиқсин кўзингдан!

*(Муסיқа)*

*(Қиличбозлик давом этади, икки тараф бўлиб курашадилар.  
Шалико ўртага қиличини тутиб уларни ажратади.)*

### Шалико

Жоним,  
Бу — зап ҳазил!

*(Кулги)*

**Т а м а р а**

**Тўғриси, Элдор,  
Бу шамшир жангига маҳоратинг бор.**

**К и ч и к г у р ж и**

**Тоғлар силсиласин йўлбарси сенсан!**

**Э л д о р**

*(Бир гуржи қўлидаги чўнгуруни кўриб қолади.)*

**Бу нима?**

**Г у р ж и**

**Чўнгири деймиз отини.**

**Э л д о р**

**Чалсанг-чи қотириб!..  
Сўлимдир тоғларнинг сарин ҳавоси,  
Чал, унга қоришсин гуржи навоси!..**

*(Гуржи чалади.)*

**Т а м а р а**

*(Руставелидан ўқийди.)*

**Таъриф этсак Тамарани, оқар тинмай кўз ёшлари,  
Азал-бошдан ғазал ёзиб у дилдорни мақтардим, оҳ,  
Сиеҳимдир қора кўллар, қаламим кўл қамишлари,  
Булар тирик юракларни найза каби тешади гоҳ.**

Руставели — мен, ишқ учун жон бахш этдим бу асарга,  
Мен мажнунман қўшинларнинг бошлиғи бир дилбарга,  
Муҳаббатнинг давоси йўқ, югурсам-да табибларга,  
Ё жон берсин жонон менга, ё топширсин қора ерга.

Э л д о р

Айтинг, Руставели ким бўлган ўзи?

Т а м а р а

Гуржи шеърятин у илк юлдузи.

Э л д о р

Қара, уни туққан қандай бахтиёр,  
Бизнинг Низомийдек зап каломи бор.

Уйин бошланади... Узоқдан ўқ овози эштиллади. Гулнор киради,  
ҳамма оёққа қалқади. Элдор пешвоз юради, Гулнор рўмолини ечиб  
Элдорнинг ёнига отади, унга бир мактуб узатади, ҳамма ҳайрат би-  
лан уларга қарайди.

Ол, оғажон Элдор, ол,  
Воқифдан сенга хат бор.

*Элдор хатни олиб баланд овозда ўқийди, ҳамма эйтибор билан қулоқ  
солади.*

Э л д о р

«Ўқи бу хатимни, азизим Элдор,  
Дардимни тингласин тоғлар ҳам такрор.  
Бир учқур хаёлли, қалби хастаман,  
Ҳозир булбулсифат тош қафасдаман...  
Азизим, ташлади мени зиндонга,  
Шариат нишини урди бу жонга,

Кел, йигит, йўқ бўлсин бу тош қафаси,  
Улмасин шоирнинг бу ростгўй саси,  
Гар сен қутқармасанг Воқифни дордан,  
Умидим йўқ асло парвардигордан».

*(Ҳар ёндан Қожарни қоралаган нафратли овозлар эшитилади,  
ҳаммада ҳаяжон.)*

Э л д о р

Оҳ... яна бошимга югурмоқда қон,  
Қаранг, ҳеч лойиқми Воқифга зиндон?!

Бу орада қишлоқлик бир ч о л ҳамқишлоқлари билан келиб  
қолади.

Ч о л

Қай бирингиз Элдор?

Э л д о р

Менман, амаки!

Ч о л

Уғлим, отинг тушмас сира тиллардан,  
Еруғ кун тилайсан ҳамма элларга.  
Сенга бир ажойиб бағишловим бор,  
Менга ҳам отамдан эди у ёдгор.

Э л д о р

Нимайкан, амаки?

*(Чол ёпинғичининг тагидан бир қилич чиқаради.)*

## Кекса

Эшит, мисрий қилич дейдилар буни,  
Содиқ қўриқлаган она юртини.  
Буюк Гўрўғлидан қолган бир ёдгор,  
Қара, дастасида бармоқ изи бор.  
Ол, ўғлим, жонингдек асагил уни,  
Қалбингда сақлагин алп Гўрўғлини!  
Сенга теголмайди на хон, на пошша,  
Елғиз йўқсилларнинг ишқи-ла яша!  
Ур, урган қўлларинг доим бор бўлсин,  
У золим Қожарга дунё тор бўлсин!

*(Элдор қилични олади, ҳурмат ва эҳтиром билан унга бир зум тикилади, сўнг тиз чўкиб, уни ўпади.)*

## Элдор

Гиротнинг ёлига ўралиб ётган,  
Хон, бойлар юрагин роса ўйнатган,  
Золимга даҳшату бизга шон қилич,  
Озодлик йўлида тўккан қон қилич!  
Шошмасин энди Қожар,  
Ҳужум бор, бурғини чал!

*(Қуроллар кўтарилади, «сурра» садолари янграйди, Элдорнинг тўдаси ҳужумга отланади.)*

## Парда

## Ўн биринчи кўриниш

Шуша қалъаси, улоқ майдони. Қуёш ботаётган палла. Икки нафар чўпон қояга суяниб ўтиришибди, уларнинг бири най чалади.

## Мурод

Қосим!

Қосим

Лаббай, Мурод?

Мурод

Бу дунёдан дод!  
Қандоқ келган бўлсак, эҳ, шундоқ ўгдик.  
На ёруғ кун кўрдик, на камга етдик...

Қосим

Хўш, ўзи нима гап?

Мурод

Нима гап, нима гап?  
Қожар иш битирар, биз турсак қараб!

Қосим

Қандай иш?

Мурод

Воқиғни ўлдирмоқчи у...  
Йўғ-е, бу ҳаддидан ошган зўрлик-ку?

Мурод

Эси паст, тўғри гап!

Қосим

Вой, сени... Ким айтди,  
Бор гапми, оҳ, қалбим зирқираб кетди.



М у р о д

Бор гап, ўлдирмоқчи Мулла Паноҳни...

Қ о с и м

Нимайкин шўрликнинг ахир гуноҳи?

М у р о д

Гап борки, Воқифга Қожар бир куни  
Дебди, чувриндидан чиқарми шоир?  
Воқиф ҳам қотириб ҳажв қилган уни,  
Шунга аччиғланиб шоҳ осаётир.

Қ о с и м

Еқимли овозинг бор сени, Мурад.  
Унинг сўзларидан ўқиб қилгин ёд.

М у р о д

(Ўқийди.)

Хумор-хумор боқмоқ кўз одатидир,  
Лоладек қизармоқ юз одатидир,  
Паришонлик зулфнинг ўз одатидир,  
На боди сабодан, на тароғдандир.

Қ о с и м

(Тиззасига уриб.)

Вой, сенинг кўзларинг кўр бўлсин, Қожар,  
Қара, бу Воқифни қайси кўз қияр.

*(Атрофга ҳайрат билан тикилиб.)*

Мурод, келтиришди, ана, қара — боқ.

**М у р о д**

*(Ҳайратланиб тикилади, исёнкор бир товуш билан  
кўкка юзланади.)*

Эй фалак, эй дунё! Эй қонли чаноқ!

Ш а й х бир тўда о да м л а р билан В о қ и ф ва ўғли А ли б е к н и  
келтиради.

**Ш а й х**

Тўхтанг!

*(Кесатиб.)*

Турган одам қандай тўхтади...

**Ш а й х**

Ўғлим, яратганнинг кучин кўрсайдинг!

**А ли б е к**

Нега имиллайди, тез келсин жаллод!  
Сен кўп валдирама, сотилган олчоқ,  
Сени ҳам ютади шу қора тупроқ!..

**Ш а й х**

Кофирни қаранглар,  
Астағфуруллоҳ!

## В о қ и ф

*(Ботиб бораётган кунга ҳасратли тикилади, ўғлига.)*

Қуёш ғуруб этур... сўнар коинот,  
Азалдан шунақа вафосиз ҳаёт.

*(Қуёшни кўрсатиб.)*

У маним умримнинг тимсоли, қара,  
Сўнган бир борлиқнинг хаёли, қара.  
Мен ҳам яратилдим, мен ҳам порладим,  
Гўзаллар тилидан тушмади отим...  
Энди-чи, урилди тошга елканим,  
Ғурубга бормоқда ҳаётим маним.  
Уғлим, тинчимайман, бор экан кучим,  
Сени ўлдирмоқчи фақат мен учун!  
Устимга йиқилса, эҳ, тоғлар шу тоб!!

## А л и б е к

Ота, виждонингиз худди бир офтоб —  
Кифтида эл дардин ташийди доим,  
Бу дунё тургунча яшайди доим!..

## В и д о д и й

*(Орқадан.)*

**Воқиф!**

## В о қ и ф

Видодий, қардошим, кўрай сўнги гал,  
Бизни ажратмоқда бемаврид ажал!..

## В и д о д и й

Кўзларим кўр бўлсин, налар кўраман,  
Қуёши тутилган саҳар кўраман...

*(Воқифни, Алибекни чекка-чеккага олиб борадилар.)*

## В о қ и ф

Йиғлама, қардошим, сен яша, ярат!  
Яқинда биз кутган у озод ҳаёт.

## В и д о д и й

*(Кўкка қўл кўтариб.)*

Суф сенинг тахтингга, эй чархи фалак  
Тошдан эмасди-ку, ахир бу юрак!..

*(Жаллодлар келишади.)*

## Ш а й х

Калимаи шаҳодат ўқилсин тезроқ!

*(Ўғлини бағрига босиб, жаллодга юзланади.)*

Нима бўлсаямки, инсонсан, жаллод,  
Одамга жондан ҳам шириндир авлод.  
Мени чўчитмайди бемаврид ажал,  
Инсоф қил, биринчи менга қўл кўтар...  
Кўзларим кўрмасин бола қонини!  
Бузма бу кўнглимнинг хонумонини.

## Ш а й х

*(Киноя қилади.)*

Шоир, рангингизда сўлғинлик ётар?

**В о қ и ф**

**Гофил, офтоб деган сарғайиб ботар!**

**Ш а й х**

**Бу фоний оламни, шоир, унутинг,  
Энди юзингизни қиблага тутинг!**

*(Жаллод Алибекни тортади, Воқиф уни қўйиб юбормайди.)*

**В о қ и ф**

**Оҳ... қонли кўзларинг кўр бўлсин, жаллод,  
Сенга айтмабмидим ширин, деб авлод!**

**Бурғи чалинади, Қ о ж а р келади, баландроқ ерда тўхтайд**

**Қ о ж а р**

**Эҳ-ҳа... буюк шоир!**

*(Ўз одамларига.)*

**Қаттиқ турасиз,  
Бунда каллалардан қалъа қурасиз,  
Кўкка найза бўлиб қадалсин боши!  
Тагида дарёдек оқсин кўз ёши,  
Унинг чўққисига ёлғиз, ҳа, ёлғиз  
Воқифнинг бошини қадаб қўясиз.**

**В и д о д и й**

**Ҳукмдор! Бу замин, бу кўкка қара,**

Мотамдан атроф ҳам, булут ҳам қора.  
Воқиф фарзандидир абадиятнинг,  
У ўлмас тилидир шеърнинг, санъатнинг.  
Сенга ялинаман, ўт солма жонга.  
Қўллариңг ботмасин гуноҳсиз қонга!

### В о қ и ф

Ялинма, ялинма у жаллодга сан,  
Ҳали бош эгмайди бу буюк Ватан...

### Қ о ж а р

*(Видодийга.)*

Кўрдингми, шу эрур баттол душманим,  
Уни ёндиришга ҳаққим бор маним,  
Тез бўлинг, жаллодлар!

### В и д о д и й

Йўқ, йўқ, одам бўлсанг, шоҳ, буюр яна,  
Жаллодлар мени ҳам чопсинлар, мана.

*(Жаллодлар билан Воқифнинг ўртасига тушади. Бу орада шовқин-сурон кўтарилади, Элдорнинг тўдаси хужумга ўтади, жанг-жадал яқинлашади.)*

### В а з и р

Шоҳим, устимизга келмоқда Элдор,  
Қочайлик, бўлмаса дунё бўлар тор.

### Қ о ж а р

Йўғ-е, ботинарми бир қарол, қани,

**Мендек жаҳонгирга ҳужум қилгани!**

*(Жаллод Алибекни чопмоқчи бўлади.)*

**М у р о д**

*(Дўстига.)*

**Келишди, ана!**

Жаллоднинг бошига чўқмор билан туширади, жаллод йиқилади. Элдор, Курд Муса, Гулнор, Шаликолар олдида киришади.  
Элдорнинг қўшини кўринади.

**Қ о ж а р**

**Тутинг, тирик тутинг, келди фурсати!**

Видодий Воқифни қучоқлаб четга олиб ўтади. Алибек Гулнор билан кўришиб, унинг милтиғини олади-да, орага кириб кетади. Шиддатли жанг боради. Элдор қилич жангида сарой кишиларини ёриб ўта бошлайди.

**Қ о ж а р**

**Бўлмайди урушга кирмасам ўзим!**

Элдор илгари чиқади, шайх ва вазир қочиб қолади, Алибек шайхни уриб, қоядан қулатиб юборади.

**Э л д о р**

*(Қожарга сўз қотади.)*

**Қани, кел, уриш,**

Орқадан уриш  
Иигитга ярашмас!

**Қ о ж а р**

Бўлди, ярамас!  
Мен Қожар авлоди — шоҳлар шоҳиман,  
Бутун ер юзининг бир оллоҳиман!..

**Э л д о р**

Кела қол, камбағал, қишлоқи — мен ҳам,  
Шоҳ-ла уришаман ўрни келган дам...

*(Шиддатли қиличбозлик бошланади.)*

**Қ о ж а р**

Мен-ла олишгани Гўрўғли келсин!

**Э л д о р**

*(Киноя қилади.)*

Эҳ-ҳе... шундай дегин, ҳа, тўғри, шерсан!

*(Элдор Қожарни яралайди, бироқ жанг яна давом этади,  
бирдан Элдорнинг қиличи қўлидан учиб кетади.)*

**Қ о ж а р**

*(Тўхтаб кулади.)*

Воҳ... воҳ...  
Онанг келсин энди қошингга!



## Э л д о р

*(Епинчиғи остидан мисрий қиличини чиқаради.)*

Тўхта, мисрий қилич тушар бошингга!

Қ о ж а р

*(Шошиб.)*

Нима? Мисрий қилич? Нима? Гўрўғли?

*(Элдор Қожарни яна қилич билан уради, Қожар қиличини тушириб юборади. Дарвозабон яқинлашиб унга орқасидан ханжар уради.)*

Қ и ш л о қ л и к ч о л

*(Қожарнинг мурдасига масхараомиз назар ташлайди.)*

Бу тоғлар қўйнида арслон ётармиш,  
Бунда Гўрўғлилар от ўйнатармиш.

Э л д о р

Эзилди заҳарли илоннинг боши,  
Бузинг саройини эл кекса, ёши.  
Бойлигин улашинг оч, йўқсилларга,  
Бугун байрам бўлсин ғариб дилларга.

Ш а л и к о

Қардошлар, биргина Қожар ўлди, хўп,  
Қожарлар дунёда ҳали жуда кўп.

Уларнинг илдизин кесади Ёлғиз  
Бизнинг бу бузилмас қардошлигимиз.

Қ и з и қ ч и киради, Қожарнинг мурдаси атрофида от сингари депси-  
ниб, айланади, унга масхараомиз қарайди.

### Қ и з и қ ч и

Сизни банд этсалар, қолсам гафлатда,  
Уттиз нафар бошни кесардим шартта.

*(Қотиб-қотиб кулади.)*

В и д о д и й билан В о қ и ф киришади, ҳамма ҳурмат билан уларга  
бош эгади.

### Э л д о р

Муҳтарам шоирга омад ёр бўлсин,  
Умри дунё қадар пойдор ўлсин.

### В и д о д и й

Бизнинг шер ёнида бўпти пилдир-пис,  
Эрон тупроғини булғаган иблис.

### В о қ и ф

*(Видодийга.)*

Эй Видодий, гардиши даврони кажрафторни кўр,  
Рўзиғорни қил томоша, корни кўр, кирдорни кўр!

**Зулм аҳлин қара, барбод айлади бир лаҳзада,  
Сен буюк тоғлар боласи — қаҳрамон Элдори кўр!**

**Элдор эҳтиром билан Воқифнинг қўлидан ўпади, халқ уни буюк се-  
винч ва тантана билан ўлим майдонидан олиб чиқади.**

**П а р д а.**

## МУНДАРИЖА

Бурғун ҳақида сўз. (М. Шайхзода)	3
Мен суҳбат очмайин»	7
Озарбайжон	8
Бизнинг ёшлик	12
Тўрт сўз	15
Садоқат	19
Яйранг, ўйнанг, авлодларим	21
Бутун Боку юрагимда бир шеър бўлур	24
Ўйлар	26
Баҳор орзулари	30
Менга шундай дедилар	33
Шоир, нечун қаридинг тез?	37
Муҳаббат илҳомга ундайди мени	39
Ҳаёт фалсафаси	42
Сўзнинг шуҳрати	45
Шошмайман	48
Воқиф (драматик достон)	52

*На узбекском языке*

**САМАД ВУРГУН**  
**ТЫ В СЕРДЦЕ**

Стихи и драматическая поэма

Редактор **А. Шаропов**  
Рассом **Д. Афуксиниди**  
Расмлар редактори **А. Бобров**  
Техн. редактор **Н. Жураева**  
Корректор **Д. Саидолимова**  
ИБ № 340

Босмахонага берилди 10.11.77 йил. Босишга рухсат этилди 24.10.78 йил. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 6,0. Шартли босма л. 8,4. Нашр л. 5,43. Тиражи 10000. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома №126 — 77 й.

**Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг** Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-босмахонасида № 1-қоғозга босилди. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1978 йил. Заказ № 528. Баҳоси 85 т.